O'zingni angla!

# HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

Chorshanba, 20-may, 2009-yil • №21 (625) • 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan • e-mail: hurriyat@mail.ru • www.uzhurriyat.uz

## НАЙРАНГ



***Бу Қизилтепа туманидаги "Хожа Ҳасан" қишлоқ фуқаролар йиғинининг Сарой қишлоғида истиқомат қилувчи ота-ўғил Дилмурод Шукуров ҳамда Ойбек Тўхтаевларнинг биринчи жиноят иши эмасди.***

⇨ 3-бет

## ИЙМОНЛИ ОДАМ ЁЛҒОН ГАПИРМАЙДИ



***Умуман, ўзи нега ёлғон гапирилади? Қандай вазиятда бировни алдашга тўғри келади? Келинг, бу саволларга жавоб излашдан аввалроқ ёлғон тушунчасининг нима эканини аниқлаб олайлик. Менга қолса, уни уч турга бўлардим.***

⇨ 6-бет

## "ҲАҚИҚИЙ ЁЗУВЧИДА ЯРАТИШ ИШТИЁҚИ СЎНМАЙДИ"

***Сирасини айтганда, модерн адабиёт ҳам катта эҳтиёж маҳсулидир. Болага чақалоқлигида алла, сўнгроқ эртак, достонлар таъсир қилгани каби ақли тўлишганда ўта жиддий асарлар ўқиш зарурати туғилади.***

⇨ 7-бет

## ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

■ **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 15 май куни имзолаган "Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори матбуоти эълон қилинди.**

■ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" китоби Франциянинг "Georama editions" нашриёт уйи томонидан француз тилида чоп этилди.

■ **Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик кўрни ва уларни ўтказиш бўйича семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда Марказий сайлов комиссияси аъзолари, вилоятлар сайлов комиссиялари, сиёсий партиялар, Ўзбекистон Экологик ҳаракати раҳбарлари, сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул жамоат ташкилотлари, давлат ҳокимияти органлари вакиллари иштирок этди.**

■ Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси томонидан Ўзбекистон Экологик ҳаракати, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан биргаликда ташкил этилган «Қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш – келажакдаги энергетика барқарорлиги гарови» мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

■ **Олий Мажлис Қонунчилик палатасида "Қишлоқ аҳолисининг ижтимоий муҳофазаси ҳуқуқий асосларининг ўзига хос жиҳатлари" мавзусида конференция бўлиб ўтди.**

# ЁШЛИКНИНГ ҚУТЛУҒ ҚЎНҒИРОҚЛАРИ

## *Гулистон шаҳрида "Умид ниҳоллари – 2009" мусобақаларининг бошланишига саноқли кунлар қолди*

**Умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказиб келинаётган катта спорт мусобақаларининг мамлакат босқичи бошланишига ҳам саноқли кунлар қолди. Туман, шаҳар ва вилоятлар босқичларида ғолиб бўлган 1792 нафар спортчи-ўқувчилар бу гал Мирзачўл марвариди – Гулистон шаҳрида жам бўлади.**



Бадиий гимнастика, гандбол, сузиш, футбол, волейбол, енгил атлетика, шахмат, стол тенниси, теннис, баскетбол, кураш ва белбоғли кураш каби спортнинг ўн икки тури бўйича бўлиб ўтажак мусобақалар иштирокчиларини кутиб олиш, жойлаштириш, бўш вақтини мазмунли ўтказиш учун маданий-маърифий тадбирлар, учрашувлар, концерт дастурларини юқори савияда ташкил этиш мақсадида бу ерда барча шарт-шароитлар яратилмоқда.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш масаласига катта эътибор бериб келинмоқда. Бу эзгу мақсадни амалга ошириш учун жисмоний тарбияни оммалаштириш, болалар спортини ривожлантириш, айниқса, қишлоқ жойларда замонавий стадионлар, сув ҳавзалари, гимнастика залларини барпо этиш вазифаси давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Ёш авлодни Ватанига садоқатли, она юртини улуғлайдиган, унинг обрў ва нуфузини юксалтиришга, қудратига қудрат қўшишга қодир бўлган инсонлар этиб тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга бўлган уч босқичли спорт ўйинларининг нақадар ноёб ва ўхшаши йўқ тизим экани мамлакатимиздан ташқарида ҳам эътироф этилган. Мазкур тизим қуйи бўғини бўлмиш "Умид ниҳоллари" мусобақаларининг дастлабки босқичларида республикамиз ҳудудларида таълим-тарбия олаётган миллионлаб ўқувчиларни қамраб олиш имкониятининг мавжудлиги унинг қимматини янада оширади, маънавий ҳаётимизда тутган ўрнини яққол намоён қилади.

### Тадбир арафасидаги мулоҳазалар

Инсон умид билан яшайди. Орзулар рўёби унинг келажакка бўлган ишонч-у интилишларини янада мустаҳкамлайди. Собит эътиқод ва қатъий ирода талаби билан аниқ мақсад сари қўйилган ҳар бир қадам эса кўзланган манзилга элтувчи масофани сезиларли равишда қисқартиради.

Мен, сиз, у. Одам зоти борки орзу-умид дея аталмиш юксак туйғудан куч-қувват олиб меҳнат қилади, ҳаёт кечиради. Назаримда, умид бу — инсоннинг ўзини ўзи рағбатлантириш робитаси. Айни восита, худди шу омил жамиятда мавжуд экан тараққиётда сарҳад бўлмайди, ривожланиш поён билмайди.

Спортчи беллашув майдонига умид билан чиқади. Демак, ғалаба қозониш учун аввалambор ўзини ўзи рағбатлантиради. Сиз билан бизнинг кўзимизга кўринмайдиган бу ҳодиса курашга чиқаётган спортчининг вужудига мадор бағишлайди, енгилмас куч бўлиб билагига йиғилади.

(Давоми 2-бетда.)

Газета «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам тарқатилади.

МУЛОҲАЗА

## РАҲБАР МАЪНАВИЯТИ У НИМАДА НАМОЁН БЎЛАДИ?

*Соғлом жамиятдагина қонун устувор бўлган давлат барқарорлигига ишончли, қудратли асос вужудга келади. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилнинг 16 декабрь куни Халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашиниг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи билан танишган кишининг кўнглидан юқоридаги фикрлар, мулоҳазалар ўтиши шубҳасиз. Давлатимиз раҳбари ўша куни залда ўтирган катта-кичик раҳбарлар олдига жуда кўп саволларни кўндаланг қўйди. Уларни умумлаштириб, «Нега пойтахт вилояти ана шундай аҳволга тушиб қолганди?» дейиш мумкин. Шу ўй хаёлимга келдими, беихтиёр айни ўша залдаги анча илгариги бир манзара кўз ўнгимда гавдаланаверади.*

Ўшанда вилоятда жиноятчиликнинг олдини олиш, қонун бузилишларини бартараф этиш, вояга етмаган ёшлар тарбияси муаммолари хусусида сўз борган эди. Йиғилиш бошланишидан жиддий тус олди. Боиси, кўрилаётган масала жиддий эди. Маърузачи — вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғининг сўзлари бири-биридан ташвишли эди. Залда пашша учса сезиларди. Вазият ниҳоятда кескин. Залда ўтирганларга разм солдим — ҳамма маърузачининг сўзларини диққат билан тинглаяпти, ёзиб ўтирганлар қанча.

Шу асно бир нарса эътиборимни тортди. Олдинги қаторда Бўстонлиқ туманининг ўша пайтдаги раҳбари гўё қандайдир бир куй оҳангига оёқларини ўйнатиб ўтирарди. Қоп-қора ялтироқ туфлисининг пошнаси гоҳ ерга урилиб, гоҳ икки ёнга ташланади, гоҳ чап оёқ туфлисининг учи ажабтовур айлана ясаб, муаллақ қотадида, пошна яна полга урилади.

Бундан кўз узолмай қолдим. Полга қалин кўк палос тўшалган, садо чиқмас, лекин ҳоким тўйдами, торроқ доирадами хаёлан шўх бир куйга рақс тушаётган алпозда эди назаримда.

— Бўстонлиқ туманидаги 11-мактабнинг бешинчи синф ўқувчиси ўзини осиб ўлдирган...

Маърузачининг бутун зални ларзага келтирган бу сўзлари ҳам туман раҳбарига таъсир қилмади.

3 »

ДУНЁ СИЁСАТИ

## Қарор танқид қилинди

**Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи халқаро ташкилотлар Оқ уй раҳбари Барак Обаманинг Гуантанамо қамоқхонасидаги ҳарбий трибунал ишини қайтадан тиклаш тўғрисидаги қарорини қаттиқ танқид қилишди.**



Human Rights Watch вакилининг таъкидлашича, президентнинг бу қарори демократияга, суд эркинлигига ҳужумдир.

Америка фуқаролар эркинлигини ҳимоя қилиш уюшмаси раҳбари Энтони Ромеро президентни сайловолди ваъдаларини бузишда айблади. Унинг қайд этишича, Обама ҳамманинг олдида Буш маъмурияти ташкил этган бундай трибуналлар инсон ҳуқуқларини чеклайди, шунинг учун уларни тезлик билан йўқотиш керак деган эди. Энди эса у сўзидан қайтиб турибди.

(Дунё сиёсатига оид хабарларнинг давоми бешинчи саҳифада) 5 »

ТААССУФ

## "Қонунни билмайман, буйруққа бўйсунаман..!"

*Газетамизнинг аввалги сонларидан бирида "Ўзтрансгаз" акциядорлик компанияси тизимидаги корхона ва ташкилотларга компания раҳбарияти томонидан Ўзбекистон Республикасининг журналистик фаолияти ҳамда ахборот олиш эркинликлари ва кафолатлари тўғрисидаги қонунларига зид бўлган махсус буйруқ юборилгани ва унинг нусхалари туман газлаштириш идоралари ҳамда вилоят газтаъминот бошқармалари раҳбарларининг қабулхонасига кираверишда осиб қўйилгани хусусида ёзилганди. Ҳар ҳолда ўша кичик танқиддан "Ўзтрансгаз" АК ва "Ўзбекнефтгаз" МХК раҳбарлари хулоса қиладилар, ҳеч бўлмаганда қонунларимизнинг мазмун-моҳиятига бироз бўлса-да эътибор қаратадилар, деган умидда эдик. Аммо...*

Яқинда Сурхондарё вилоят газтаъминоти бошқармаси бошлиғи Ўрол Худойқулов билан бўлган қисқа суҳбатимиз жараёнида компания раҳбарияти ҳам, унинг жойлардаги ижрочилари ҳам танқиддан бехабар қолишганини тушундик.

Бу сафар ҳам бошқарма бошлиғи қабулига нима мақсадда кирганимни эшитиб улгурмаёқ:

— "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси матбуот атташесидан, Елена Кимдан рухсат олиб келинг, — деди бошлиқ гапни қисқа қилиб.

— Раҳбарлигингиздаги туман газлаштириш идоралари фаолияти ҳақида материал тайёрлаш учун сиздан рухсат олинмайдими?, — дедим бироз норози бўлиб. — Тўғридан-тўғри туманларда бўлиб, мавзуни ўрганишимиз мумкин эди. Ҳар ҳолда иш аввалида мутахассисларингиз фикрларини билмоқчи эдим...

Гапим чала қолди.

— Мана буйруқ, — Ўрол Худойқулов деворда осилган буйруққа ишора қилди. — Мен ва умуман тизимимиздаги барча раҳбар-ходимлар шу буйруққа бўйсунамиз. Айтган қонунларингизни билмайман, мен буйруқ ижроси учун жавоб беришим керак.

2 »

# ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

## ЁШЛИКНИНГ ҚУТЛУҒ ҚЎНҒИРОҚЛАРИ

(Бошланиши 1-бетда.)

Шундай спортчига ҳаммамиз умид кўзини тикиб турамиз. Ахир, у Ватан байроғи остида майдонга чиқади, юртнинг ори, обрўси учун беллашади. Халқнинг умиди спортчи елкасидаги масъулиятни янада оширади.

Юқорида саналган жиҳатларга обдон назар ташлаб, мушоҳада чиғириғидан ўтказилса, спортнинг тарбия жараёнидаги аҳамияти яққол кўзга ташланади. Унинг энг оддий кўриниши бола руҳиятида ғалабага, олдинга интилиш кайфиятини уйғотишидир. Мана шундай кайфият уйғондими, у ўқувчининг назарий билимларни эгаллаш жараёнига ҳам бевосита кўчиб ўтади.

Гулистонга тўпланажак ўқувчилар орасида умидли ёшлар бисёр. Лекин кўп — етарли дегани эмас. Модомики, уларнинг сафини кенгайтириш, яъни эл шаънини муносиб ҳимоя қилиш, миллат ғурурини кўтариш, хуллас, ўсиб келаётган янги авлод вакиллари орасида соғлом турмуш тарғиботини олиб бориш "Умид ниҳоллари" мусобақаларининг бош ғояси, десак муболаға бўлмайди.

Ота-она ўз фарзандини катта умид билан устоз қўлига топширади. Мураббийнинг умиди шогирдидан. Устознинг қанчалик меҳнат қилгани шогирд эришган натижалар билан баҳоланади. Шу маънода мазкур ўйинларнинг мактабларимиздаги жисмоний тарбия ўқитувчиларини спорт мураббийи даражасига кўтарилишга, ўз устида кўпроқ ишлаб, шогирдларини муносиб тарзда тайёрлашга ундагани яна бир муҳим жиҳат экани эътиборимизни тортади. Ўқитувчи учун ўқувчининг ғалабаси нақадар тотли туйғу эканини шогирди чемпион бўлган устозлар билади.

### Паркентдан... Гулистонгача

Мамлакатимизда амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг таркибий қисми бўлган уч босқичли спорт тизимининг ёшларимиз ўртасида кучли оммавий ҳаракатга айлангани нафақат устоз-мураббийлар, балки ота-оналарни ҳам мамнун қилмоқда. Чунки ҳар қайси халқ ва миллат ўз фарзандларининг ҳар томонлама етук бўлишини, соғлом ўсишини орзу қилади ва барча имкониятларини ишга солган ҳолда шунга астойдил интилади.




Бир неча йил аввал мазкур мусобақаларга мутахассислар томонидан "кичик олимпиада" дея таъриф берилгани, бу ўхшатиш кенг жамоатчиликнинг эътирофига сазовор бўлгани бежиз эмас. Ўн икки спорт тури бўйича ташкил этиладиган мусобақаларнинг барчаси Олимпия ўйинлари қоида ва талаблари асосида ўтказилишидан ташқари уч босқичли тизимнинг ёшлар қалбида эзгулик алангасини ўт олдираётган ўзига хос машъаласи бор. Паркент туманидаги "Қуёш физикаси" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида офтоб нурларидан ёндириладиган машъала мусобақа жойига худди Олимпиададаги сингари эстафета усулида етказилади. Машъала олдиндан тасдиқланган йўналиш асосида мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқларидан олиб ўтилади.

Мусобақаларнинг тантанали очилиш маросимида барчани ҳаяжонга солиб стадионга олиб кириладиган машъала миллий нақшлар билан безатилган. Унинг дастаги ёнғоқ дарахтидан экани — теран томирларимизга, бой тарихимизга, халқимизнинг мустаҳкам иймон-эътиқоди, иродаси, ақл-заковати, мустақиллигимизнинг боқийлигига ишора, узоқ умр, соғлом ҳаёт белгисидир. Унинг ўрта қисмидаги ниҳол кўринишидаги шакллар юртимиз ёшларининг соғлом турмуш тарзида тарбияланиб, комил инсон бўлиб вояга етиши, Олимпия ўйинлари халқалари эса уч босқичли спорт тизимининг узвийлиги ва Олимп чўққиси сари интилишга яратилган имконият рамзидир.

### Навқирон авлодга бунёдкорлик туҳфалари

«Умид ниҳоллари — 2009» спорт ўйинларининг асосий тантаналари — очилиш ва ёпилиш маросими «Гулистон» марказий стадионида бўлиб ўтади. Шу муносабат билан бу иншоот тубдан реконструкция қилинди. Бугунга қадар мусобақаларнинг асосий қисми ўтказиладиган бешта замонавий спорт мажмуаси барча талабларга жавоб берадиган ҳолатга келтирилди. Шаҳар марказида мазкур спорт байрами муносабати билан бунёд этилган замонавий болалар спорт мажмуасида футбол бўйича беллашувлар ўтказилиши кўзда тутилган.

Республика мактаб ўқувчиларининг "Умид ниҳоллари" спорт ўйинлари Сирдарёда ўтказилиши туфайли вилоятда фақат шу ишлар қилинибди, десак, қаттиқ янглишамиз. Бунёдкорлик ва ободонлаштириш самараси нафақат Гулистон шаҳрида, балки ҳар бир туман ва қишлоқда бўй кўрсатиб турибди. Энг муҳими, бундай хайрли тадбирларда маҳаллий аҳоли, қурувчи-ю муҳандиснинг, имкон даражасида ҳомийлик қилган тадбиркор ва ишбилармонларнинг ҳам улуши бор.

"Алпомиш" спорт мажмуаси ёнидан ўтадиган киши бир зум тўхташи, унга ғурур билан тикилиши табиий. Зеро, у бутунлай янгича қиёфа касб этган. Бу ерда амалга оширилган катта ҳажмдаги капитал реконструкция ишлари натижасида спортнинг ўнга яқин тури билан мунтазам шуғулланиш имконияти яратилди.

Бугун спорт ҳар қайси давлат ва мамлакатнинг куч-қудратини, салоҳиятини намойиш этадиган, халқни бирлаштирадиган, унинг руҳини кўтарадиган, эртанги кунга ишонч билан олға интилишга ундайдиган таъсирчан омилга айланиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Шу нуқтаи назардан қараганда, мустаҳкам занжир янглиғ узвий боғланган узлуксиз мусобақалар юртимизда спортни ривожлантириш ва оммалаштириш борасида давлатимиз раҳбари юритаётган сиёсатнинг узоқ ва давомли мақсадларидан бири эканини яна бир бор кўрсатиб турибди.

**Озод РАЖАБОВ,**
**журналист.**

*Хабарлар оқими*

### ВЕСТМИНСТЕР УНИВЕРСИТЕТИДА ТАДБИР

Тошкентдаги Халқаро Вестминстер университетида битирувчиларнинг ишга жойлашишига кўмаклашиш ҳамда иш берувчи корхона-ташкилотларга малакали мутахассисларни излаб топишга ёрдамлашиш мақсадида навбатдаги "Карьера куни" ўтказилди.

Тадбир давомида битирувчи курс талабалари ўз диплом ишларининг қисқача тақдимотини ўтказиб, иш берувчиларга ўқиш давомида олган билим ва малакаларини намойиш этишди. Ҳайъат аъзолари томонидан тақдимоти энг яхши деб топилган талабалар рағбатлантирувчи мукофотларга сазовор бўлди. Тадбир доирасида ўзига хос иш ўринлари ярмаркаси ҳам бўлиб ўтди.

**Элбек ЖУМАНОВ,**
**"Hurriyat" мухбири.**

### "СЕНГА ТАЯНЧ БЎЛАМИЗ, ВАТАН!"

Яқинда Тошлоқ туманидаги таълим муассасаларида вилоят халқ таълими бошқармаси, мактабдан ташқари таълим муассасалари маркази ҳамда ЎзЛиДеП Фарғона вилоят кенгаши ҳамкорлигида иқтидорли ўқувчи-ёшларнинг "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили"га бағишланган "Сенга таянч бўламиз, Ватан!" мавзусидаги анжуман ва кўрик-танловлар ўтказилди. Унда жами 1200 нафардан ортиқ истеъдодли ўқувчи иштирок этиб, "Санъат", "Миллий ҳунармандчилик", "Маънавият", "Техник моделлаштириш" ва "Халқ амалий санъати" йўналишлари бўйича ўз маҳоратларини намойиш этишди. Танлов якунига кўра, 180 нафар ўқувчи-ёшлар ғолиб деб топилди ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

**Солиҳ ҚАҲҲОРОВ,**
**"Hurriyat" мухбири.**

### ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИДА АЁЛЛАРНИНГ ЎРНИ

Жорий йилнинг 4-12 май кунлари Урганч шаҳрида Ўзбекистон сиёсий партияларининг вакиллари иштирокида "Фуқаролик жамияти институтлари фаолиятида аёлларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш соҳасида самарали шакл ва услубларни қўллаш" мавзусида семинар-тренинглар ўтказилди.

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан БМТ Тараққиёт дастурининг "Ўзбекистонда аёлларнинг имкониятларини кенгайтириш учун ҳуқуқий ва ташкилий (институционал) салоҳиятни ривожлантириш" лойиҳаси билан ҳамкорликда ташкил этилган семинар-тренинглар давомида ЎзХДП, "Адолат" СДП, "Миллий тикланиш", ЎзЛиДеП вакиллари мамлакатимизда аёлларни қўллаб-қувватлашда давлат сиёсати, партияларнинг асосий мақсад ва вазифалари, хотин-қизлар ўртасида партия аъзолари ва фаоллари иш фаолиятининг ўзига хос томонлари, ҳукумат томонидан қабул қилинган сайловга оид қонунчилик ҳужжатлари ҳамда халқаро шартномалар билан танишдилар.

Бундай тадбирлар Самарқанд, Қарши, Наманган ва Тошкент шаҳарларида ҳам ўтказилиши режалаштирилган.

**Нилуфар ШЕРМАТОВА,**
**БМТ Тараққиёт дастурининг жамоатчилик билан алоқалар бўйича ассистенти.**

### МАКТАБГА ХАЛҚАРО СЕРТИФИКАТ ТОПШИРИЛДИ

Бугунги кунда мамлакатимизда ўттиздан ортиқ таълим муассасаси ЮНЕСКОнинг Бирлашган мактаблар дастури бўйича иш олиб бормоқда. Яқинда Қарши шаҳридаги 1-ихтисослашган мактабга ҳам халқаро ЮНЕСКО ташкилотининг Бирлашган мактаблар сертификати топширилди. Эндиликда мазкур ўқув муассасаси шу ташкилотга аъзо бўлган 6 мингта мактаб ва лицейлар қаторидан жой олди.

Мактаб директори Улуғбек Абдураҳмоновнинг таъкидлашича, мактаб ЮНЕСКО халқаро ташкилоти томонидан молиявий жиҳатдан ҳам қўллаб-қувватланади.

**Пўлат ГАДОЕВ,**
**"Hurriyat" мухбири.**

### ЯНГИ МАҲСУЛОТ ТАҚДИМОТИ

Яқинда Тошкентда Ўзбекистон пиво бозорининг етакчиси Carlsberg Uzbekistan компанияси янги Sarbast Special савдо белгисининг тақдимотини эълон қилди. Эндиликда Sarbast Special савдо белгиси ҳам 2007 йилнинг июль ва декабрь ойларида катта муваффақият билан тақдим этилган Sarbast Original ва Sarbast Extra навларининг сафига қўшилди.

Икки йил муқаддам фойдаланишга топширилган Carlsberg Uzbekistan пиво ишлаб чиқариш заводи ҳозирда KHS (Германия), Alfa Laval (Белгия), GEA Grasso (Голландия), Loos (Германия) каби компаниялар томонидан тайёрланган ускуналар билан жиҳозланган. Ишлаб чиқариш қуввати 100 миллион литр ёки 0,5 литр тенг 200 миллион шиша идишдаги пиво ҳажмига тенг қўшма корхонада айни пайтда 400 нафарга яқин ходим фаолият юритмоқда.

**Матёқуб НАРЗИЕВ,**
**"Hurriyat" мухбири.**

### ФЕРМЕРНИНГ ИБРАТИ

Янгибозор туманидаги "Боғолон" қишлоғидаги "Сирожиддин" фермер хўжалиги раҳбари Азамат Маткурбонов об-ҳаётдан унумли, тежаб-тергаб фойдаланишнинг мақбул йўлини топди. Унинг раҳбарлигида туман ҳудудидан ўтадиган "Қилчибой арна" каналига "20-НД" русумли юқори қувватли насос ўрнатилиб, ҳамқишлоқларнинг экин майдонларини сув билан таъминлаш ишлари яхши йўлга қўйилди.

Яқинда қишлоқ ҳудудидан ўтадиган коллекторга ҳам яна иккита ана шундай насос ўрнатилади.

**Тузалбой РАҲИМБОЕВ,**
**"Hurriyat" мухбири.**

## "Қонунни билмайман, буйруққа бўйсунаман..!

(Бошланиши 1-бетда.)

Марҳамат қилиб, Елена Кимдан рухсат олиб келинг, бошқа гап йўқ!..

Ўрол Жабборович фикридан қайтмади. Наҳотки, журналист оддийгина маълумот (ахборот) учун кимнингдир рухсатини олиши, қабулини соатлаб, кунлаб кутиши керак. Ваҳоланки, "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компаниясининг матбуот хизмати Тошкентда жойлашган бўлса, вилоят эса пойтахтдан қарийб 700 чақирим узоқда бўлса... Қолаверса, бу матбуот тўғрисидаги қонунларга бутунлай зид-ку.

Қонунлар кундалик турмуш тарзимизни маълум бир меъёрга солиб турувчи мувозанат, таянч нуқтаси. Президентимиз ҳам бот-бот таъкидлаганларидек, қонун устувор бўлган жамиятдагина адолат мезонларини тиклаш осонроқ кечади. Шу боисдан ҳам юртимизда қонунчилик борасида жуда катта ишлар амалга оширилаяпти, янги-янги қонун лойиҳалари ишлаб чиқилаяпти. Аммо уларга риоя этилмаса, бундан кимга наф?

Матбуот тўғрисидаги қонунларга зид тарзда чиқарилаётган бу каби буйруқ, кўрсатма ва топшириқлар мазмунига эътибор қилсак, гўё улар ташкилот "сири"ни ҳимоя қилиш мақсадида қабул қилинаётгандек. Аслида эса "ташкилот сири" асосий мақсадни хаспўшлаш учун бир баҳона. Бизнингча, бу баҳоналар замирида жойлардаги камчилик ва нуқсонларни яшириш, яна ҳам аниқроғи, баъзи бир ношуд раҳбарлар ўз масъулиятсизликларининг ошкор бўлишидан қочишга уринишидан ўзга нарса эмасдек. Айрим ташкилотларнинг раҳбарлари ҳам бу ҳақиқатни англаб олса, яхши бўларди.

**Даврон ОРИПОВ,**
**"Hurriyat" мухбири.**

**ТАҲРИРИЯТДАН:** *Мухбиримизнинг ушбу мақоласи билан танишиб, очиғи, аҳвол шу даражада эмасдир, эҳтимол қандайдир англашилмовчилик бўлаётгандир, деган ўйда "Ўзнефтгаз" миллий холдинг компанияси матбуот хизмати раҳбари Елена Кимга қўнғироқ қилдик. Унинг айтишича, ҳақиқатда шундай кўрсатма берилган. Тизим тасарруфидаги бирон корхона ёки ташкилот фаолиятини ёритиш, ҳар қандай маълумот олиш учун олдиндан компанияга расмий хат билан мурожаат қилиш керак. Шундан кейингина журналистга рухсат берилади. Матбуот хизмати раҳбарининг бу сўзларидан янада таажжубландик. Ахир, журналист тизимдаги бирон стратегик аҳамиятга эга бўлган корхона фаолиятини ёритмоқчи эмас, бор-йўғи вилоят газ таъминоти идорасидан маълумот олмоқчи эди. Наҳотки, бир идоранинг кўрсатмаси матбуот тўғрисидаги давлат қонунларимиздан ҳам устун бўлса?*

*Қонун — барчага баробар. Қолаверса, қонун ҳурмат қилиш учунгина эмас, уни сўзсиз бажариш учун ҳам қабул қилинган.*

ЗАМОНДОШ

## ҲАЁТ ПИЛЛАПОЯЛАРИ

*Бойсун туманидаги 256-ҳўжаликлараро механизациялашган кўчма жамланма жамоасининг қадами етмаган, замонавий бинолар қуриб, одамлар қувончига шерик бўлмаган қишлоқ ва шаҳарлар Сурхон воҳасида кам десак муболаға бўлмайди. Шу сабабдан ҳам бу жамоага раҳбарлик қилаётган Зариф Раҳмоновнинг номини кўпчилик ҳурмат билан тилга олади. Ҳукуматимиз томонидан унинг узоқ йиллик ҳалол ва самарали меҳнатлари муносиб тақдирланган. Дастлаб унинг кўксини "Шуҳрат" медали безаган бўлса, кейинроқ унинг қаторига "Дўстлик" ордени ҳам қўшилди.*

Зариф ака бундай иззат-икромга осонликча эришмади, албатта. У мактабни тугатгач, қурилишда ишлади, лой қориди, ғишт терди, кумсувоқ қилди. Бетон қоришмаларини кўтарди. Ўтган асрнинг олтмишинчи йилларида техника ва механизмлар етарли эмас эди. Кўп юмушлар қўлда бажарилади. Зариф ака ана шундай шароитда ишлади, тобланди. Қалб қўри, билак кучини сарфлаб, қураётган иншоотлари кўз ўнгида кўкка бўй чўзиб, ажиб бир чирой очаётганидан қалби завқ-шавққа тўларди, беҳад хурсанд бўларди. Шу тарзда уч йил оддий қурувчи бўлиб меҳнат қилди. Ўнлаб бинолар, мактаблар, болалар боғчалари, уй-жойлар бунёд этишда фаол қатнашди. Кейинчалик институтни тугатди.

Дарвоқе, Зариф Раҳмонов катта ҳаёт пиллапоясидан қадамба-қадам, дадил кўтарилиб келаётган, синовлардан қоқилмай ўтаётган инсон. Ўз соҳасининг сир-синоатини ипидан-игнасигача мукаммал, пухта эгаллаб олган билимдон, тажрибали муҳандис десак, адашмаймиз. Унинг бу фазилатлари иш жараёнида ўз самарасини бермоқда. Масалан, бундан бир неча йил олдин туманда олтита қурилиш ташкилоти фаолият кўрсатар эди. Улар бозор иқтисодиёти шароити талабларига дош бера олмади. Инқирозга юз тутиб, тугаб кетди. Юзлаб тажрибали қурувчилар бекор қолди. Лекин Зариф Раҳмоновнинг уддабуронлиги, ҳаёт талабларини вақтида илғаб олгани, истиқлол берган имкониятлардан оқилона фойдаланиши учун у бошлиқ жамоа ҳар йили икки-учта иншоотни қуриб, фойдаланишга топшираяпти.

Бойсун тоғли туман. Бу ерда қурилиш ишларини юритиш осон эмас. Айниқса, Мачай, Қўрғонча, Дуоба, Сайроб, Панжоб, Дарбанд қишлоқлари аҳли Зариф Раҳмонов ва у бошлиқ бунёдкорлар жамоасидан миннатдор. Худди қариндошлардек бўлиб кетган.

Жамланма жамоаси ўтган йили Бойсунда 900 ўринли маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежини барпо этган эди. Жорий йилда ҳам умумтаълим мактабини тубдан қайта тиклаш, қўшимча бинолар қуриш, шунингдек, Қизириқ туманида 540 ўринли агросаноат йўналишидаги, Бойсун туманининг Дарбанд даҳасида эса иқтисодиёт касб-ҳунар коллежлари қурилиши ҳам З.Раҳмонов раҳбар бўлган бинокорларга ишониб топширилди. Жамоа аҳил. Улар ҳар бир ишни баҳамжиҳат амалга оширишга одатланган. Боз устига техника ва механизмлар етарли. Шу сабабли мактабларнинг капитал реконструкциясига ҳам касб-ҳунар коллежлари қурилишига ҳам уюшқоқлик билан киришилди. Чори Солаев, Нурилло Ғаффоровлар бошлиқ участка бинокорларининг самарали меҳнат қилишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган.

Вақт зиқ, қисқа муддатда учта жамоат биносини қуриш ва уларни мамлакатимиз мустақиллиги байрамининг ўн саккиз йиллигига муносиб совға қилиш, ўқитувчи ҳамда талабаларнинг янги ўқув йилини янги бинода бошлашини таъминлаш осон гап эмас. Аммо жамланма қурувчи ва муҳандислари ғайрат камарини белига маҳкам боғлашган. Эллик нафар бинокорлар қаторидан яна 45 нафар мавсумий ишчилар ўрин олишди. Улар ҳам енг шимариб ишга киришган. Иш икки сменада ташкил этилган. Инот Набиев раҳбарлик қилаётган ишлаб чиқариш участкаси ходимлари қурилиш материалларини канда қилмай пешма-пеш етказиб беришаяпти. Ғишт, темир-бетон конструкциялари, цемент захираси яратилган. Бу эса одамларнинг белгиланган графикдан ўзиб ишлашига омил бўлмоқда. Суръат кун сайин ошиб бораяпти.

Илғор бинокорларнинг меҳнати эса қадрланмоқда. Улар рағбатлантириб борилаяпти. Ашур Ҳайдаров, Истат Йўлдошев, Ғаффор Эсонов, Қаҳҳор Хидиров, Тўлқин Жабборов, Музаффар Муртазоқулов, Умид Шойимов сингари ишчилар бир неча марта қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

**Омон ШУКУРОВ** ®

# РАҲБАР МАЪНАВИЯТИ

*(Бошланиши 1-бетда.)*

У парвои фалак, хаёлий рақсини давом эттириб ўтираверди...

Қачон халқ депутатлари Бўстонлиқ туман кенгашининг ҳокимини эгаллаб турган вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги масала кўрилган сессияси материаллари билан танишсам, ҳамон ўша манзара кўз ўнгимда намоён бўлаверади. Ўшанда хизмат сафари билан туманга бориб, ҳоким билан илк дафъа суҳбатлашиб қайтаётганимда вилоят фаолларидан бири:

— Хўш, янги ҳоким қалай? — деб сўраганди.

— Нари борса, бир йил ишласа керак, — деб жавоб бергандим. — Ишни эплай олмайди...

Пировардида ҳам шундай бўлиб чиқди. Раҳбар туманда қисқа муддат ишлади. Жамиятдаги туб янгиланишлар, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш жараёнлари туманда муайян ўзгаришлар юз беришига олиб келаётган паллалар эди. Қўшма корхоналар, фирмалар очилган, янги иш жойлари вужудга келаяпти.

Лекин у киши ҳоким бўлган даврида мутлақо умумишга фойдаси бўлмаган бошқа ишлар амалга оширилди. Бу ҳамон туман маданий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётига ўз қўланкасини ташлаб турибди. Бу кадрлар соҳасида рўй берганди. Қисқа муддатда қанчадан-қанча хўжаликлар раҳбарлари алмаштирилди, йиллаб туман равнақига хизмат қилиб келаётган билимли, тажрибали, бообрў раҳбарлар, мутахассислар, четга суриб қўйилди.

Раҳбар қаерда, қандай лавозимда ишламасин, қанчалик обрў топмасин, ўзини кафтида кўтарган халқни, атрофидаги одамларни, яшаб турган юртни унутмаслиги керак. Уларни оёқости қилган, ҳавойиликка берилган, ўзига бино қўйган ҳеч бир раҳбар ўсиб-унмаган, кўкармаган.

Касбим тақозосига кўра, Тошкент вилоятининг шаҳар ва қишлоқларида бўлиб, ўнлаб катта-кичик раҳбарларнинг иш тартибини кузатганим сари бир нарсага имоним комил бўлиб боради: ўзликни сақлаш, бирламчи фазилатларни йўқотмаслик қанчалар муҳим. Шу фазилатларгина жамоада маънавий муҳитни соғломлаштириб, ўзаро талабчанликни, ишда жонкуярликни кучайтиради. Паркентдаги собиқ «Заркент» ширкат хўжалигининг раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони, раҳматли Тожибой Ризаев, Оққўрғондаги собиқ «Ўзбекистон» ширкат хўжалигининг раиси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пахтакор, «Эл-юрт ҳурмати» орденининг нишондори Эргаш Ниёзов каби инсонлар тимсолида ўзига ҳам, атрофидагиларга ҳам бирдек талабчан, қатъиятли, тадбиркор раҳбарларни кўрганман. Халқ дарди, орзу-умидларини чуқур ҳис этиш, ҳозиржавоблик улар маънавий қиёфасини белгиловчи омил бўлган.

Раҳбарнинг тиззаси қачон титрайди? Аслида бундай ҳолатга тушишининг сабаблари нимада? Айримлар таниш-билишлари орқали раҳбарлик лавозимига ўтиради. Уларнинг миясида фақат «Қаердан нимани юлсам экан?» деган фикр ғужғон ўйнайди. Пировардида бундай ўйлар уни ерпарчин қилади...

Давлатимиз раҳбари Халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги маърузасида шундай амалдорлардан бир гуруҳини номма-ном тилга олиб, қонунчиликни бузиш қандай оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида куюниб гапирдилар. Ўз-ўзидан савол туғилади: «Ахир, жамиятнинг юксак ишончига муяссар бўлиб, каттакатта мансабларни эгаллаган Янгийўл, Қибрай, Тошкент, Оҳангарон сингари туманларнинг ҳокимларига нима етишмасди?» Умуман, ўтган йилнинг 9 ойида вилоятда ўнлаб мансабдор шахслар турли қонунбузарликларга йўл қўйгани учун жиноий жавобгарликка тортилди.

Фақат холислик-у, адолат билан иш юритган раҳбар униб-ўсади, одамлар кўнглидан бир умр жой олади. Халқимизнинг шундай олижаноб урф-одати борки, бир кишини раҳбар қилиб кўтаришдими, унинг иззат-ҳурматини ўрнига қўйиб кутиб олади, топшириқларини сидқидилдан бажаради. Агар раҳбар ўз бурчини тўғри англаса, одамларни қийнаётган муаммоларни ечишга уринса, фикрлашиб, уларнинг истак-хоҳишларини ўрганиб, виждонан ҳаракат қилса, ҳурмати ортиб боради.

«Бугун одамларни баландпарвоз гаплар, сохта ва қуруқ ваъдалар билан кўндириб, рози қилиб бўлмайди, — деди давлатимиз раҳбари Тошкент вилояти сессиясидаги маърузасида. — Буни ҳаммамиз, аввалambор, раҳбарлар, ўзини етакчи деб ҳисоблаган одамлар чуқур англаши ва ундан керакли хулоса чиқариши лозим». Афсуски, ўз ҳузур-ҳаловатини кўпроқ ўйлайдиган катта-кичик раҳбарлар бу ҳақиқатни англаб етмайдилар. Кейинги йилларда пойтахт вилоятида ишлар юришмай қолишининг асл сабаби шунда.

Ҳаттоки чоғроқ бир идорага янги раҳбар тайинландими, дарҳол «ўз командаси»ни шакллантиришга киришади. У-бу деб, охир-оқибат тузуккина ишлаб турган одамларнинг тагига «сув қуйилади», атрофига ўз одамларини — ҳайбаракаллачиларни тўплайди. Чунки «ўз одамлари» ишлаши учун қулай муҳит яратиб олишига тўғаноқ бўлишмайди, ҳамма қилғиликларини кўтаришади, бебошликларига чидашади. Қолаверса, раҳбар шу мансабда қанчалик узоқ муддат «ишласа», уларнинг чўмичларидан ҳам мой аримайди.

Бундай маънавий муҳитда, табиийки, таъмагирлик, манфаатпарастлик урчийди, порахўрлик авж олади. Бироқ, амалдор одамнинг ҳеч бир ҳаракати ёки яшаш тарзидаги ўзгариш халқнинг назаридан четда қолмайди. Шу боис раҳбар ҳамиша ўзига ўзи ҳисоб бериб юриши керак. Пора шунчалик сержилоки, унчамунча одам унинг товланишлари олдида ўзини тиёлмай қолади. Бир марта тоб ташладими, уёғи кетди. Ўрганган кўнгил ўртанса қўймайди, нафс ҳақалак отаверади. Ҳар қандай раҳбарни бир кунмас-бир кун жар лабида муаллақ турғизиб қўювчи жиҳат ҳам шу — иллатдир.

Мустақиллик раҳбар ходимларга алоҳида масъулият юклади. Биз бугун янгиланиш босқичига хос бўлган ўтиш палласини бошдан кечирмоқдамиз. Унчалик оддий ва осон бўлмаган шундай паллаларда, Юртбошимиз айтмоқчи, раҳбарлар эл-юрт олдида ўз масъулиятини яна ҳам чуқур, теран англаши лозим. У амал курсисидаги кунларини узайтириб, ўз фароғатинигина ўйлаб яшамаслиги, аксинча, одамларнинг кўнглини кўтариши, бошини қовуштириши, яхшироқ яшаш имконини яратадиган истиқбол йўлларини кўрсатиб, шу мақсадга тезроқ етишишга одамларни отлантириши керак.

Яқинда бир ҳамкасбим шундай воқеани ҳикоя қилиб берди. Вилоят шифохоналаридан бирининг бош шифокори ҳам маиший, ҳам моддий бузғунчиликлар, қонун бузилиш ҳолатларига йўл қўйиб, ишхонасида обрўсини тамомила йўқотибди. Сабр косаси тўлиб-тошган жамоа аъзолари ахийри юқори идораларга шикоят билан мурожаат қилишибди.

Буни қарангки, шикоятни текшириш учун комиссия келмасидан икки кун аввал бош ишфокор йўлакда бораётиб «қоқилибди»-да, оёғи «синибди». Ҳамиша унинг ҳузурига «кирдикиди»ли икки-уч шифокор дарҳол оёғини гипслаб, хос бир хонага ётқизиб, ёнига алоҳида бир врачни қўйишибди.

Текширувчилар кўрсаки, раҳбарнинг оёғи синган, гипсда, шунинг учун текшир-текширни чуқурлаштирмай, хизмат вақтида бош шифокор оёғининг синишини иш учун куйдипишдиликка йўйиб, ёзувчизув қилиб қайтишибди. Улар машинага ўтириб жўнашлари билан гипсни олиб ташлашибди. Бош шифокор илгариги қилғиликларини давом эттирибди...

Маънавий-ахлоқий соғлом раҳбаргина ўз жамоаси, эл-юрт ишончини оқлай олади, жамиятда соғлом маънавий муҳитни қарор топтириб, одамларда яратиш иштиёқини, келажакка ишонч руҳини кучайтиради.

Албатта, бундай раҳбарлар йил—ўн икки ойда шаклланиб, камолга етиб қолмайди. Бунинг учун йиллар керак. Қунт, интилиш, сабр-бардош, тинимсиз изланиш зарур. Бугун Тошкент вилоятида ижобий муҳит вужудга келмоқда, келажакка дадил нигоҳ ташланиб, ишлаб чиқаришни ташкил этишга, иқтисодиётни юксалтиришга, ижтимоий муаммоларни ечишга янгича ёндашувлар намоён бўлмоқда.

**Жўра САЪДУЛЛАЕВ**

## Тахририятга хатлар

### Алланинг сеҳри

Бир аёл тақдир тақозоси билан хорижий давлат фуқаросига турмушга чиқади ва эрининг юртида яшайди. Аммо ҳар гал унинг кўзи ёриганда фарзанди нобуд бўлаверади. Бу ҳолат бир неча марта такрорланади. Шунда аёлнинг онаси унга қўнғироқ қилиб, боласи туғилиши билан уни кўксига босиб алла айтиши кераклигини уқтиради. Буни қарангки, фарзанд айни шу сафар меҳрни ҳис қилади ва яшаб қолади. Бу воқеани эшитганимда алланинг нақадар улуғ қудратга эга эканини тушунганман. Қадимдан боболаримиз, момоларимиз бешигини тебратган бу оҳанг гўдакнинг ухлаши ва тинч ором олиши билан бирга унинг ақлли, маънан баркамол инсон бўлиб вояга етиши учун сув ва ҳаводек зарур. Алла тинглаган бола соғлом ўсади. Алла айтганда она нафақат унинг оҳангига, балки сўзларининг маъносига ҳам катта аҳамият бериши керак. Зеро, сўзсиз алла тузсиз овқат кабидир.

Эҳтимол, бир жойда айтилган қўшиқни дунёнинг нариги чеккасидаги бошқа бир одам тушунмас, бироқ она алласи барча гўдак кўнглига ажиб ҳарорат бахш эта олади. Шу боисдан ҳам муниса оналаримизнинг алласини мўъжизага қиёс этиш мумкин. Бугунги кунда ўзини "замонавий" санайдиган баъзи келинлар алла айтишни ўзларига эп кўришмас экан. Фарзандининг зеҳнли ва комил инсон бўлиб вояга етишини истаган она эса, боласини алла билан улғайтираверади.

**Умида АБДУКАРИМОВА**
**Тошкент вилояти.**

### Иримга ишонасизми?

Кўпчиликдан иримларга ишонасизми, деб сўрасангиз "йўқ" деб жавоб беради. Кундалик турмушда эса ирим қилмайдиган одамни учратиш қийин. Айримлар остонада ўтирган болага: "У ерда ўтирма, ота-онанг қарздор бўлади", дейишади. Бошқа биров эса "Синган ойнага қарасанг, бахтсиз бўлармишсан, аммо мен бунга ишонмайман", — дейди-ю, бироқ, ўз ойнасини синдиришдан эҳтиёт бўлади. Эътибор берган бўлсангиз, ёши улуғ онахонларимиз ҳам уйдаги ҳар бир буюмга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлишади. "Қозонни ерга қўйма, супурги тик турмасин, ўқлоғни ўйнатма, икки пичоқни бир-бирига урма..." Баъзи оилаларда ҳафта кунларига қараб кир ювиш-ювмаслик белгиланади. Бундай одатлар бошқа халқларда ҳам борлигини ўқиганман.

Ҳақиқат ишончдан яралади дейишади. Иримларга амал қилиш, албатта, ҳар бир инсоннинг ўз эътиқодига боғлиқ. Лекин иримлар ҳам неча асрлардан бери халқимизнинг урф-одатларида яшаб келаётгани билан аҳамиятли. Масалан, никоҳ тўйи ўтгандан кейин келин кўйлагининг этагига бола-чақали бўлсин деб тухум солишади. Момоларимиз чақалоқ бешиги устида боланинг боши қаттиқ, ўзи ақлли бўлсин деб ёнғоқ синдиришади. Назаримда одамзот бор экан, иримлар бўлади. Лекин унга қаттиқ ишонмаслик лозим, деб ўйлайман.

**Моҳигул АБДУЛЛАЕВА,**
**Бухоро вилояти.**

### Муваффақият ҳаракатга боғлиқ

Яқинда олийгоҳда таҳсил оладиган бир талаба танишим "Қанча ўқисам ҳам, ҳеч нарса ёдимда қолмаяпти" деб қолди. Унга эътибор билан, хаёлини ҳеч нарсага бўлмай тинимсиз ўқишни маслаҳат бердим. Энг асосийси, қунт билан мутолаа қилишни уқтирдим. Сўнг ўйлаб қолдим. Ўзим ҳам шунга риоя қиламанми?

Машҳур олим Энтони Роббинс "Муваффақиятни таъминловчи омил бу — ҳаракатдир", деб ёзган эди. Тинимсиз ҳаракат инсонни янгиликлар сари чорлайди. Билим эса инсон уни эгаллаб, ундан яхши фойдалана олсагина ҳақиқий кучини намоён этади.

Албатта, ҳаммамиз ҳам яхши бир касб эгаси бўлишни орзу қиламиз. Биров шифокор, баъзилар муҳандис, айримлар эса ўқитувчи бўлишни хоҳлайди. Лекин тўғриси барча ҳам ўз мақсадига эришиш учун ёшликдан тайёргарлик кўриш кераклигини вақтида идрок этолмайди. Афсуски, бизни бу мақсаддан узоқлаштирувчи одат ва камчиликларимиз талайгина. Инсон ўзидаги ўзгаришларни ички олами ва ўз зеҳни орқали идрок қилмаса, мунтазам тайёргарлик ва шижоат билан уларни ҳаётга татбиқ этмаса, ижобий кўрсаткичларга эришиши қийин бўлади.

**Баҳодир МУСАЕВ,**
**Қашқадарё вилояти.**

ОДАМ САВДОСИ

# Найранг ёҳуд алданганлар қисмати

*Сўнгги пайтларда юртдошларимизни огоҳликка чорлаш мақсадида оммавий ахборот воситаларида энг қабиҳ жиноятлардан бири — одам савдоси ва унинг оқибатлари тўғрисида кўп ёзилаяпти, телевидение ва радиода кўрсатув, эшиттиришлар намойиш этилмоқда. Афсуски, айрим фуқаролар бундан тўғри хулоса чиқаришмаяпти. Натижада ўзлари билмаган ҳолда фирибгарларнинг тузоғига тушиб қолишмоқда. Одамфурушлар эса мамлакатимизда одам савдосига қарши жиддий кураш олиб борилаётганига беписанд қарамоқдалар. Оқибатда қонун олдида жавобгар, халқнинг эса нафратига дучор бўлаётирлар.*

### ҲИЙЛА

— Россияда ишлаётганимга ҳам тўрт йил бўлди, — дея даврадагиларнинг эътиборини ўзига қаратди Дилмурод Шукуров. — Фирмамиз раҳбари яхши одам, ҳамма шароитларни яратиб берган. Ётоқ жой, озиқ-овқат дегандай. Узоқ вақтдан буён ишлаётганимиз учун бизга ишонади. Яқинда бригадир бўлдим. Маошим ҳам ёмонмас, ҳар ойда 600-700 доллардан олиб турибмиз.

— Куёвингизни ҳам олиб кетсангиз бўлмайдими, — гапга аралашди Дилмуроднинг қудаси Норқул ака. — Хабарингиз бор, анчадан бери бекор юрибди, оиласига бироз ёрдам бўлармиди?

— Ўзим ҳам шу ниятда келганман, — дея Норқул аканинг гапини илиб кетди Дилмурод. — Фирмамизга қурилишда ишлай оладиган бақувват йигитлар керак. Ҳозир ёз, иш кўп. Бориб ишласа, ҳар ойда камида 500 доллардан маош тўланади.

— Ғулом билан Қосим ҳам бекор юрибди, — деб қолди суҳбатни зимдан кузатиб турган Норқул аканинг ён қўшниси Пирим ака. — Агар имкони бўлса, улар ҳам Россияга бормоқчи эди.

Дилмурод Шукуровнинг қудаси Норқул аканинг уйида бўлиб ўтган ушбу суҳбат узоқ давом этди. Хуллас, Россияга ишга боришни истаганлар йўлкира учун пуллари йўқлигини, агар қарз ҳисобидан жўнатишса, кейинчалик иш ҳақидан тўлашларини билдиришди. Суҳбат мазмуни эртасигаёқ қишлоқдошлар орасида тарқалиб кетди. Қисқа вақт ичида Россияга бориш истагини билдирганлар сони 13 кишига етди. Улар билет олиш учун фуқаролик паспортларини Дилмурод Шукуровнинг ўғли Ойбек Тўхтаевга беришди. Д.Шукуров эса Россияга, "Альянс" фирмаси раҳбари О.Кирилловга телефон қилиб, ишчиларни жўнатиш учун 4000 АҚШ доллари миқдорида пул жўнатишини сўради. Шундай қилиб, 2007 йилнинг 12 август куни Д.Шукуров ўзи билан 13 кишини олиб, Бухоро аэропортидан Москва шаҳрига самолётда олиб кетди.

### ТУЗОҚ

Фуқаролик паспортларини фирибгарларга ўз қўллари билан топширган кишилар бегона юртда ўзларини қандай "савдо"лар кутиб турганини ҳали билишмасди. Улар паспортлари билан бирга ўз ҳуқуқларини ҳам ғараз ниятли одамлар ихтиёрига топширишганди. Ҳуқуқларини ҳимоя қилиши мумкин бўлган ягона ҳужжат энди ўзгалар қўлида эди. Буни тушуниб етишганида эса анча кеч бўлганди.

«Ишчилар» манзилга етиб келишганда у ерда Д.Шукуров ваъда қилган шароитлардан асар ҳам йўқлигига гувоҳ бўлишди. Аммо қайтиб кетишнинг-да иложи йўқ эди. Йўлкирага маблағ керак. Бундан ташқари, ҳали келиш учун самолёт билетига кетган қарзларини ҳам узишмаган. Йигитлар ўта оғир шароитларда амаллаб бир ой ишлашди. Азоб-уқубатларга чидашди. Аммо ойлик маошлари ваъда қилинганидек 500 АҚШ доллари миқдорида эмас, бор-йўғи ишига қараб 100-150 доллар атрофида белгиланди. Уни ҳам қарз ҳисобига қайтариб қолишганини айтишди. Уйга пул жўнатиш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас эди.

Бу Қизилтепа туманидаги "Хожа Ҳасан" қишлоқ фуқаролар йиғинининг Сарой қишлоғида истиқомат қилувчи ота-ўғил Дилмурод Шукуров ҳамда Ойбек Тўхтаевларнинг биринчи жиноят иши эмасди. Улар бундан олдин ҳам одамларни ишга жойлаштириш, яхши шароит яратиб бериш, ҳар ойда 500 АҚШ доллари миқдорида маош тўланишини ваъда қилиб, Россия Федерациясининг Владимир вилояти Юрьев-Польск шаҳрига Бухоро аэропорти орқали одам етказиб турган. Лекин уларнинг фуқаролик паспортини олиб қўйиб, ваъдаларини бажаришмаган. Уларнинг найрангига учганлар маош ололмасдан сарсон-саргардон бўлишган.

### ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

Кўза кунда эмас, кунида синади деганларидек, Д.Шукуров ва О.Тўхтаевларнинг кирдикорлари фош этилди.

Олиб борилган тергов ва суриштирувлар натижасида ота-ўғиллар жиноий тил бириктирган ҳолда фуқаро Хонали Нуруллаев, Фазлиддин Бобомуратов, Дилшод Бозоров, Исомиддин Туропов, Элмурод Мавлянов, Жўрабек Истимов ва Нуриддин Равшанов каби кўплаб фуқароларни Россиядаги қурилиш фирмаларига ишга жойлаштириб, уларни алдов йўли билан сотиб юборган.

Жиноят ишлари бўйича Қизилтепа туман суди 2008 йилнинг 28 ноябрида ота-ўғил Д.Шукуров ва О.Тўхтаевларнинг жиноий ишларини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 135-моддаси 3-қисми билан кўриб чиқди. Одамфурушлик содир этиб, қабиҳ ишга қўл ургани учун Д.Шукуров 5 йил муддатга, унинг ўғли О.Тўхтаев эса 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Судланувчилар томонидан жабрланувчиларга турли миқдорда етказилган 6 миллион 262 минг сўм миқдоридаги маблағ ундириб берилиши ҳукмда алоҳида қайд этилган. Ҳа, одамфуруш ота-ўғилнинг қисмати ана шундай якун топди. Ахир халқимиз қилмиш-қидирмиш деб бекорга айтмаган.

**Азамат САФАРОВ,**
**"Hurriyat" мухбири.**

# Ошкор бўлган ёлғон

## ёки ўз синфдошларини сотган кимса

**Ғузор туманидаги Хўжагузар маҳалласида яшовчи Элдор Жўраевга Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи аммаси Саида Ашурова телефон қилиб, пойтахтда ишлаш учун одам топиб келишини айтганида, унга бу таклиф мойдай ёқиб тушди. Оладиган жарақ-жарақ пулни хаёлан тасаввур қилиб, ширин тамшаниб ҳам қўйди. Ўйлаб-ўйлаб, ахийри содда, ишонувчан синфдошлари Шерали Абдумуродов ва Фарруҳ Нормаматовларни ўз "қармоғи"га илинтиришга қарор қилган Элдор уларга Тошкент вилоятидаги Янгийўл туманида даромадли иш борлигини, ойига 230 минг сўмдан маош олишларини айтди.**

Шу гаплар билан кейин Ғиёс Шайманов исмли устани ҳам тўрига илинтиради. Бундан Фарруҳнинг онаси Мавлуда опа ҳам хабар топиб, аввалига розилик бермади. Элдор Мавлуда опага: "Нима, менга ишонмайсизми, ахир мен келиб-келиб ўз синфдош дўстларимни алдайманми?" — деб навбатдаги ёлғонни тўқиди. Шундан кейингина унга ишонишди.

Улар 2008 йилнинг 25 апрель куни тонгда Тошкентга — Элдорнинг аммасининг уйига етиб боришганда, содда йигитларни кўрган Саида Ашурова "ови" бароридан келганини фаҳмлади. Элдор режага кўра, шерикларига Тошкент вилоятидаги иш бекор қилинганини, Қоплонбек деган жойга бориб ишлашларини, ўзи эса уч-тўрт кундан сўнг уларнинг изларидан боришини тушунтиради. Бахтиёр ва Канат деган қозоқ йигитлар уларни машинага миндириб йўлга отланишади. Кеч соат тўртларда Фарруҳ Элдорга телефон қилиб, "Сен Сирдарёда ишлайсизлар, дегандинг, танишларинг бизни Қозоғистон чегарасидан олиб ўтиб кетишди", — дейди. Элдор аммасининг маслаҳати билан синфдош дўстларини бу сафар ҳам алдайди.

Бахтиёр ва Канат сотилган уч мардикорни Қозоғистоннинг Мойбулоқ деган жойига олиб бориб, Кўчқор ва Пўлат исмли қозоқлар қўлига топширади. Йигитларга бир уйни бузиб қайта қуриш учун 25 000 қозоқ тангеси ваъда қилишади. Иш жуда оғир бўлиб, кунига 18-19 соат ишлашарди. Ейдиган овқатлари ҳам сарқитдан нари-бери бўлиб, қоринлари тўймасди. Ишнинг устида Пўлатнинг ўзи туриб, учаласини қозоқча ва русча сўзлар билан сўкар, бўлмағур гаплар билан ҳақоратлар, ҳаттоки урарди ҳам. Улар ҳавонинг анча салқин бўлишига қарамай очиқ ҳовлида ётишга мажбур бўладилар. Ҳатто машина гаражига ёки молхонага кириб ётишларига ҳам уй эгаси рухсат бермайди. Бу камлик қилгандек ҳовлидаги икки қопоғон ит кечаси бўшатиб қўйиларди. Хуллас, минг азобда биринчи "объект"даги ишни тамомлашади. Иш ҳақларини сўрашганида Пўлатдан яна ҳақорат эшитишади. Кўчқор эса: "Мен сенларнинг ҳар бирингни Саида ва Элдордан 1000 АҚШ долларига сотиб олганман. Менга кузгача бепул ишлаб берасанлар", деб ҳақиқатни очиқчасига айтиб қўя қолади. Кейин Шерали, Фарруҳ ва Ғиёслар Виталий деган татар кишининг уйида ишлашга "маҳкум" этилади. У ердаги иш шароити бундан ҳам аянчли эди.

Ўзларининг алданганини билган, турли хўрлик ва қийноқлардан азоб тортган учала юртдошимиз бир амаллаб қочишга қарор қилишади. Пачка-пачка пул топиб келиш ўрнига уйларига озиб-тўзиб, абгор ҳолатда кириб келишади.

Ўз синфдошларини сотган Элдор эса ўзини қанчалар айбсиз кўрсатмасин, ҳамма айбни аммаси Саидага ағдармасин, барибир далиллар ва гувоҳлар олдида мулзам бўлиб, жиноий жазога тортилди.

**А.СУЛТОНОВ,**
**Ғузор туман ИИБ тергов бўлинмаси терговчиси.**
**Ғулом АБДИЕВ,**
**журналист.**

ҲАМКАСБ

# МЕҲР ТАФТИ

*Ҳарбий хизматдан қайтганимдан сўнг бир дунё ҳаяжон билан Ғаллаорол туманидаги "Меҳнат байроғи" (ҳозирги "Ғаллаорол овози") газетасининг муҳаррири Алибой Эргашевга иш масаласида мурожаат қилдим. Ишга оладиган бўлишди.*

Эртаси куниёқ хизмат вазифасига киришиш учун таҳририятга бордим. Бош муҳаррир қаёққадир чиқиб кетаётган экан. Мен билан йўлакда учрашиб қолгач, вақти зиқ бўлишига қарамасдан, бироз иш тўғрисида маълумотлар берди. "Мана бу сизнинг жойингиз", деди у бир хонадаги бўш турган столни кўрсатиб. Очиғи, Алибой аканинг мени шу тарзда илиқ кутиб олишини ва ишга бунчалик тез қабул қилишини кутмагандим. Дарҳол вазифамга киришиб кетдим. Ҳар бир топшириқни юракдан, тиришқоқлик билан бажаришга интилдим. Шу ўринда айтиш жоизки, ишонч ва меҳр у кишининг менга берган биринчи сабоғи бўлди. Орадан бироз вақт ўтгач, муҳаррир мени ўз хонасига чақирди ва шундай деди:

— Иш билан бўлиб сиз билан бафуржа гаплашолмадик. Аммо бирибир баъзи нарсаларни айтиб қўйишим керак. Бу ер ўсиб-улғаядиган жой. Кўп яхши инсонлар шу жойнинг муҳитида тарбия топиб, вояга етган. Сиз ҳам уларнинг ортидан юришга интилинг.

Алибой Эргашевнинг насиҳатлари менинг хотирамда гуё ёруғ нур бўлиб қолди.

Иш давомида баъзан хатоларга йўл қўйдим. Шундай вақтларда ҳам устоздан бирон марта таъна эшитмадим. У кишидаги кечиримлилик мен учун навбатдаги сабоқ эди. Шундан сўнг Алибой акани янада кўпроқ ҳурмат қиладиган бўлдим.

Турли давраларда бўладиган ижтимоий ҳаёт, адабиёт, журналистика мавзуларидаги суҳбатларда муҳарриримизнинг воқеликни теран баҳолайдиган мулоҳазаларини эшитиб, у кишига ҳавасим келарди. Афсуски, ўша пайтларда ёшлигимиз боис бундай суҳбатлардаги гапларнинг ҳаммасини ҳам тушуниб етмасдик. Чунки кам ўқиб, кам изланардик. Мен устоздан иложи борича кўпроқ ўқишни ўзимга "юқтиришга" интилдим. Бу ҳам мен учун яна бир ҳаётий дарс бўлди.

Алибой ака табиатан камтар, хокисор инсонлар сирасига киради. Бу фазилатлар уни одамлар орасида бошқалардан ажратиб туради. У оилани муқаддас билади. Фарзандлар тарбиясига алоҳида вақт ажратиб, оиласини ниҳоятда қадрлайди. Турмуш ўртоғи билан 7 нафар ўғил-қизни уйли-жойли қилгани, 23 неварага суюкли бобо бўлгани ҳам унинг оилапарварлигидан далолат беради.

Яқинда кўплаб қаламкашларнинг устози, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Алибой Эргашевнинг туғилган кунига 70, ижодий фаолиятига эса 50 йил тўлди. Тажрибали журналист

Алибой Эргашев 1939 йилда Бахмал туманидаги Сарюзи қишлоғида туғилган. ТошДУнинг журналистика бўлимини тугатган. Дастлаб мактабда ўқитувчилик қилган.

Журналистик фаолияти давомида у собиқ иттифоқ даврида туманлараро газетада сайёр мухбир, Ғаллаорол туман газетасида мухбир, муҳаррир ўринбосари ва 17 йил давомида шу газетада муҳаррир вазифаларида меҳнат қилди. Кейинчалик Бахмал туман радиосида муҳаррир, "Бахмал ҳаёти" туман газетасида муҳаррир ўринбосари, саккиз йил давомида республика "Ишонч" газетасининг Жиззах вилояти бўйича, сўнг "Савдогар" газетасининг Сирдарё ва Жиззах вилоятлари бўйича ўз мухбири бўлиб фаолият кўрсатди. Алибой ака шу ёшга етган бўлса-да, ижодий фаолиятини тарк этгани йўқ. Турли марказий ва маҳаллий газеталарда қатнашиб туради. Шу билан бирга республика Ногиронлар жамғармасининг нашри — "Қадрият" газетасининг Жиззах вилояти бўйича ўз мухбири вазифасида хизмат қилади.

Истеъдодли ижодкор Алибой Эргашев Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг аъзоси, республика Журналистлари ижодий уюшмаси мукофоти лауреати, юзлаб лавҳа, очерк, публицистик мақолалар муаллифи. Унинг "Эзгулик бекатлари", "Эътиқод ва эъзоз", "Меҳнат қилган етар муродга", "Сўзга ошуфта кўнгил" номли қатор китоблари чоп этилган.

Мен устознинг қалбидаги меҳр тафтидан ҳали ҳам баҳра олиб келмоқдаман. Ҳозиргача қандай ютуқларга эришган бўлсам, бунда бошқалар қатори Алибой Эргашевнинг ҳам ҳиссаси бор.

**Тоғбой ҲЎЖАМБЕРДИЕВ,**
**"Жиззах ҳақиқати" газетасининг бўлим муҳаррири.**

КЕЛГУСИ ҲАФТА МАВЗУСИ

# ҚИШЛОҚ ЁШЛАРИ ВА ОАВ

*Яқинда Шаҳрисабз туманида Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси, Қашқадарё вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида "Қишлоқ ёшлари манфаатларини таъминлашнинг долзарб вазифалари" мавзуида конференция бўлиб ўтди.*

Унда бугунги қишлоқ ёшлари ҳаётини сифат жиҳатини юксалтириш, уларнинг орзу-интилишлари, муаммо ва ечимлари, бу борада давлат органлари, жамоат бирлашмалари, хусусан ёшлар ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари амалга ошираётган саъй-ҳаракатлар, улар олдида турган долзарб масалалар хусусида сўз борди.

Тадбирда бир нечта мавзуларда маъруза ва мунозаралар бўлиб ўтди. Шунингдек, ҳудуддаги журналистлар учун семинар-тренинг ташкил этилди.

Ушбу анжуманда Қашқадарё вилоят ҳокими Нуриддин Зайниев иштирок этди. У бугунги кунда вилоятда ёш журналистларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган кенг қамровли ишлар хусусида тўхталиб, асосан қишлоқ ёшларини билимли, жисмоний ва маънавий баркамол вояга етказишда, қолаверса, ҳаётда келажагимиз эгаларининг муносиб ўрнини топишда алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳақида гапирди.

Мазкур конференция тўғрисида газетамизнинг келгуси сонида батафсил ҳикоя қилинади

**Ўз мухбиримиз**

АҲВОЛ

# ПЛАСТИК КАРТОЧКАГА... ДОРИ ЙЎҚ

## *Пойтахтимиздаги кўплаб дорихоналарда ҳанузгача терминаллар ўрнатилмаганлиги хусусида*

*Бир қариндошимиз Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли тез тиббий ёрдам клиник касалхонасида даволанадиган бўлди. У менга телефон қилиб, дори олишга пули етмаётганини айтди. Аксига олиб ўша кунлари фақат пластик карточкамда пул бор эди. Шунга қарамасдан шифокорлар ёзиб берган дориларни олиб келиш учун кўчага чиқдим.*

Аввало, бир нарсага ҳайрон бўлдим. Дорига ишим тушмаган, билмаган эканман. Дорихоналар жуда кўпайиб кетибди. Бундай дейишимиз бежиз эмас. Чунки бугун ҳар кўчада битта эмас, бир нечта дорихона учрайди, десак муболаға бўлмайди. Кўпқаватли уйларнинг биринчи қаватидаги хонадонлар ҳам дорихонага айлантирилган. Масалан, пойтахтимизнинг Учтепа туман Фозилтепа кўчасида, яъни юқорида айтиб ўтилган шифо масканининг атрофида йигирмага яқин дорихона бор. Нима бўлганда ҳам йўқдан кўра дорихоналарнинг бори яхши. Улардаги сотувчиларни айтмайсизми! Дорининг номи оғзингиздан чиқар-чиқмас, уни қўлингизга тутқазишади. Пулингизнинг қайтимига эса аспирин ёки цитрамон беришни ҳам унутишмайди. Аммо...

Ростини айтсам, ўша куни дорихоналардан дори эмас, терминал излаб саргардон бўлдим. Қайси бирига бош суқмай, бир хил — "йўқ" деган жавобни эшитдим. Келинг, яхшиси ҳаммасини бир бошидан айтиб берай. Биринчи бўлиб, пештоқида "Дори-дармон" акциядорлик компанияси 12-сонли дорихона" деб ёзилган жойга кирдим. Қўлимдаги дорилар ёзилган қоғозни сотувчига бердим. У ҳамма дориларни елим халтага солиб, менга узатди-да пулини беришимни кутиб турди. Мен эса ундан терминал бор ёки йўқлигини сўрадим. Бахтга қарши у ерда терминал йўқ экан. Шундай қилиб, дориларни сотувчига қайтариб бердим-да, тарвузим қўлтиғимдан тушиб ташқарига чиқдим.

Умидимни узмай шу яқин орадаги "Nodirbekshifo" M.CH.J дорихонасига бош суқдим. У ерда ҳам аҳвол шундай экан. Лекин қандай бўлмасин дори олишим керак. Бошқа иложим йўқ. Шунинг учун яқинда фойдаланишга топширилган, "пешонаси"да "ASTEK MEDIKAL FARM" деб ёзилган бинонинг биринчи қаватида жойлашган дорихона сотувчисига қўлимдаги қоғозни кўрсатишдан аввал, "Терминал борми?" — дея сўрадим. Минг афсус, бу ерда ҳам йўқ экан. Ҳатто касалхона дарвозасидан кираверишда чап қўлдаги "Кальций – Д3" дорихонасида ҳам аҳвол юқоридагидек.

Шундан сўнг, менда Учтепа тумани Фозилтепа кўчасидаги дорихоналарда ўзи терминал бормикин деган савол туғилди. Ва кўчанинг у бошидан бу бошигача юриб, ўн бешга яқин дорихонага бирма-бир кириб чиқдим. Хайриятки, фақат касалхона дарвозасининг чап томонидаги "Karoll life" хусусий корхонасига қарашли дорихонада терминал бор экан-у, лекин деярли ишлатилмаскан. Ҳатто сотувчи уни қандай ишлатишни билмаслигини айтди. Қизиқишим устун келиб айрим савдо дўконларидаги бу борадаги аҳволни ҳам суриштириб кўрдим.

— Сизларда терминал борми? — деб сўрадим "Bog`iston non "Shiveytsariya" хорижий корхонаси дўкони сотувчисидан.

— Олдин бор эди. Лекин пул тушмаганидан сўнг яна олиб кетишди, — деди-да у ишини давом эттираверди.

Шу аснода йўл-йўлакай бошқа савдо мажмуаларига ҳам кириб ўтдим. Аҳволни қаранг: пул бор, дори бор. Фақат нақд пул бўлмаса қийин экан-да. Дорихона эгасига эса терминал бор-йўғининг аҳамияти йўқ. Чунки у дорини бугун бўлмаса, эртага, албатта сотиши тайин. Лекин касал ва унинг яқинларига қийин. Агар бемор ўша дорини ўз вақтида қабул қилмаса, оғир оқибатларга олиб келиши ҳам мумкин. Вақт эса кутиб турмайди. Ахир, зарур бўлган дори воситаларини эртага сотиб олишдан ҳеч қандай наф бўлмайди.

Лекин аҳвол юқоридагидек бўлса, одамларнинг пластик карточкаларга бўлган ишончи сўнмасмикин?

Шу ўринда пластик карточка ҳақида тўхталиб ўтсак. У жуда қулай, ишончли ва маблағингизни қўшимча даромад билан бойитадиган муомала воситасидир. Тан олиш керак, кейинги йилларда мамлакатимизда молия муассасаларининг саъй-ҳаракатлари билан нақд пулсиз муомала тизими — пластик карточкалар билан савдо қилиш жуда кенгайди, яхши ривожланмоқда. Пойтахтимиздагина эмас, ҳозир энг чекка туманлардаги савдо нуқталарида ҳам пластик карточкалар билан ишлайдиган терминаллар ўрнатилган. Аммо... иссиқ жон иситмасиз бўлмас деганларидек, баъзида пластик карточка орқали дори-дармон сотиб олишга ҳам тўғри келади. Шундай экан, дорихоналарда ҳам терминаллар ўрнатилишига янада кўпроқ эътибор қаратилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

**Азим БАҲОДИР**


**Маблағларини кўпайтиришни истаганлар учун!**

AGROBANK

**Пулларингизни самарали бошқарибгина қолмай, Сиз пул ютуқлари ҳамда қимматбаҳо совғаларнинг, яъни музлаттич, кир ювиш машинаси, рангли телевизорлар ва бошқа уй-рўзғор буюмлари каби ютуқларнинг эгаси ҳам бўлишни хоҳласангиз, АГРОБАНКнинг миллий валютадаги янги ютуқли омонат турларида ўз маблағларингизни жамғаринг.**

Йиллик 14 фоиз миқдорида ҳақ тўланадиган **"ОМАД"** ҳамда **"АГРОКАПИТАЛ"** муддатли ва жамғарма омонат турларида маблағингизни 3, 6, 9 ой муддатларда кўпайтириб, ОМАДга эришинг!

Шу билан бирга, АГРОБАНК миллий валютадаги 26 фоиз миқдорида ҳақ тўланадиган **"АГРОЛЮКС"** муддатли омонат турини **ТАКЛИФ ЭТАДИ!**

Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда омонатчига тўлаб берилади.

***Омонатлар бўйича ҳисобланган фоизли даромадингиз биринчи талабдаёқ берилади. Унутманг, "Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, жисмоний шахсларнинг тижорат банклари депозит ҳисобварақларига жойлаштирилган пул маблағлари давлат томонидан ҳимояланган ва фуқароларнинг омонатлари бўйича ҳақ тўлашнинг ишончли кафолатлари қонунан юз фоиз таъминланади!***

***Агробанк омонатларига қўйилган пул маблағлари декларация қилинмайди ҳамда омонатчи ва унинг пул маблағлари ҳақидаги маълумот банк сири ҳисобланади.***

***Эслатиб ўтамиз, ютуқлар миқдори ютуқ чиққан ҳисобварақларга матбуотда эълон қилинган расмий жадвалга асосан ҳар ойда ўтказиб борилади!***

Пулларингиз ишлайди ва даромад келтиради!

**АГРОБАНК** – юрт ободлиги ва яратувчанлик ғояларининг молиявий таянчи!

Қўшимча маълумот учун (8.371)150-53-65 телефон рақамига мурожаат этишингиз мумкин.

***Хизматлар лицензияланган.***

# ДУНЁДА НИМА ГАП?

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

## МАҚСАДИМИЗ МУАММОЛАРГА МАНФААТЛИ ЕЧИМ ТОПИШ

### дейди "Асака"банкининг Қорақалпоғистон филиали раҳбари Тоҳир ЕРИМБЕТОВ

***ДАТ "Асака" банкининг Қорақалпоғистон филиали мана 13 йилдирки, мамлакатимиз молия бозорида ўз мавқеини мустаҳкам сақлаб келмоқда. Филиал универсал банк мақомига эга бўлиб, мижозларга барча турдаги жумладан, ҳисобкасса, пул маблағларини сақлаш, миллий ва хорижий валютада кредитлар ажратиш, лизинг амалиётлари каби хизматларни тақдим этади.***

***Жаҳон иқтисодий-молиявий инқирози давом этаётган бўлишига қарамасдан филиал фаолиятининг жонланиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Филиал раҳбари Тоҳир ЕРИМБЕТОВ мухбиримизга амалга оширилаётган ишлар тўғрисида қуйидагиларни сўзлаб берди:***

— Яратилган қулайликлардан айни пайтда 778 та мижоз фойдаланмоқда ва уларнинг сони ошиб бормоқда. Жорий йилнинг ўтган 4 ойлик натижаларига кўра, филиалнинг активлари йил бошидагига нисбатан 106,5 фоизга ўсди. Ҳозиргача ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,4 марта кўп даромад, 2,4 марта ортиқ фойда олинди. Кредит портфели 6,5 миллиард сўмни ташкил қилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги "Пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини янада қисқартиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори юзасидан ҳам бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, миллий ва хорижий валютадаги аҳоли омонатларининг қолдиғи йил бошидагига нисбатан 1,2 марта ўсди. Шунингдек, ҳукуматимизнинг 2002 йил 19 сентябрдаги "Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида"ги қарорига мувофиқ омонатларни кафолатлаш жамғармасига 100,4 миллион сўм, шу жумладан, жорий йил давомида қўшимча равишда 24,7 миллион сўм киритилди.

"Асака" банкнинг Қорақалпоғистон филиали 2005 йилдан бошлаб ўз сўм пластик карточкаларини ҳам муомалага чиқара бошлади. Ҳозир умумреспублика процессинг маркази орқали филиал томонидан амалга оширилаётган пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини ривожлантиришга ўз улушини қўшмоқда. Жорий йилнинг ўтган 4 ойи мобайнида 2286 дона пластик карточкалар тарқатилди ва 1 май ҳолатига уларнинг умумий миқдори 17634 донани ташкил этди. Шу билан бирга, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида ижарага ўрнатилган савдо терминалларининг сони 144 тага етказилди. Савдо терминаллари орқали пул маблағларининг айланмаси ўтган йилги жами айланмалардан 2,5 марта ортиқ бўлди.

Аҳолининг бўш пул маблағларини жалб этишда ҳисоб-китобларни пластик карточкалар орқали нақд пулсиз амалга оширилишига катта эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда пластик карточкалардан филиал ходимлари билан бир қаторда, йирик корхоналар ва ташкилотларнинг хизматчилари ҳам фойдаланишмоқда. Шу давр мобайнида 11 та иш ҳақи лойиҳаси жорий этилди. Айни пайтда мижозлардан 207 та ташкилот ўз ходимларига иш ҳақини пластик карточкалар орқали бермоқда.

Бундан ташқари, ҳорижий валютадаги "EUROPAY" тизимидаги "MASTERCARD" ва "Maestro" пластик карточкаларини очиш ва қўллаш юзасидан талай ишлар олиб борилмоқда. Бундан буён ҳам муомалага чиқарилаётган карточкалар сонини кўпайтириш, уларга хизмат кўрсатиш инфраструктураси миқёсини кенгайтириш бўйича кенг миқёсли ишларни амалга ошириш кўзда тутилган. Ҳозирги пайтга келиб 873 та "Maestro" халқаро пластик карточкалари муомалага чиқарилди ва улар орқали карточка эгаларига хизмат кўрсатилмоқда.

Филиал томонидан носавдо хусусиятига эга барча амалиётлар, масалан, резидент ва норезидент бўлган юридик ва жисмоний шахслар учун ўрнатилган тартибда жорий валюта ҳисобварақларини, хорижий валюта омонатларини очиш ва юритиш, хорижга ва хориждан тезкор банк пул маблағлари ўтказмаларини амалга ошириш ишлари бажарилмоқда. Шунингдек, "Western Union" "Близко", "Быстрая почта", "Unistream" тезкор пул ўтказмалари тизимлари жорий этилган ва улар орқали МДҲ мамлакатлари ҳамда бошқа хорижий мамлакатлар билан пул ўтказмалари амалга оширилмоқда.

Филиал таркибида 7 та мини банк, 5 та валюта айирбошлаш шохобчаси, 2 та махсус, 5 та жамғарма ва 1 та кўчма касса ҳамда 17 та савдо ҳуқуқи учун тўловларни, автомашиналарни қўйиш тўловларини, аҳолининг ва ташкилотларнинг коммунал хизматлар бўйича тўловларини "Ўз-Тўлов" (PAYNET) тизими орқали қабул қилувчи махсус кассалар мавжуд. Коммунал хизмат тўловларини ўтказиш учун ниҳоятда қулай ва тезкор бу хизмат тури жорий йил давомида қисқа вақт ичида амалга киритилди.

Шунингдек, ўз мижозларига қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида филиал "Банк-мижоз" ва "SMS-banking" тизимларидан фаол фойдаланмоқда. Ҳозир мазкур тизим орқали 10 та мижоз билан алоқа ўрнатилган.



Молия муассасаси томонидан маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш, экспортга мўлжалланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга йўналтирилган лойиҳаларини молиялашга ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришни кўзлаган ҳолда ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлган, атроф-муҳитнинг ўзгаришига салбий таъсири бўлмаган қўшимча иш жойларини яратиш учун мўлжалланган лойиҳаларни молиялаштиришга ҳам катта эътибор берилмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг ўтган 4 ойи давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини молиялашга алоҳида аҳамият қаратилгани фикримиз далилидир. Бу эса ўз навбатида кредит портфели ҳажмини кўпайтиришга замин яратди. 2009 йилнинг 1 май ҳолатига филиал томонидан кредит портфели қолдиғи 6,5 миллиард сўмни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 11 августдаги 348-сонли қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда Осиё Тараққиёт Банки томонидан берилган кичик ва микромолиялаш учун йўналтирилган кредитлар бўйича банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштириш учун 3 та лойиҳа маъқулланиб, шундан 38 миллион сўм миқдоридаги лойиҳалар молиялаштирилди.

Бугунги кунда банк филиали томонидан аҳолига истеъмол кредитларини ажратиш бўйича қуйидаги банк хизмати турларини тақдим этади. Хусусан, истеъмол кредитлари 5 миллион сўмгача, 3 йил муддатга йиллик 14 фоиз билан, ёш оилаларга эса 12 фоизда 6 ой имтиёзли давр белгиланган ҳолда; истеъмол кредитлари банк филиалида хизмат кўрсатиладиган йирик корхоналарнинг хизматлари учун 5 миллион сўмгача, 3 йил муддатга йиллик 14 фоизгача;

Ўзбекистон Республикасидаги олий ўқув даргоҳларида шартнома асосида таълим олиш учун Таълим кредитлари 10 йил муддатга йиллик 14 фоиз билан;

Ипотека кредитлари энг кам иш ҳақининг 2500 даражаси миқдорида 15 йил муддатга йиллик 18 фоизлик (ёш оилаларга 14 фоиз 3 йил имтиёзли давр белгиланган ҳолда); ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида банк филиали томонидан 71 оилага 2,1 миллиард сўм ипотека кредитлари ажратилди.

Филиал томонидан қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан, 13 та фермер хўжаликларига 15 та қишлоқ хўжалиги техникаларини сотиб олиш учун кредитлар ажратилди. Шу жумладан, 2 та "Доминатор-130" русумли дон ўриш комбайнлари, 2 та "Доминатор-204 Мега" ва 2 та "Енисей 1200 НМ" русумли дон ўриш комбайни ва "БТ-150", "Белорусь 80.Х", "ТТЗ-80-10" тракторлари кредит ҳисобига сотиб олинди.

Бундан ташқари, паррандачиликни ривожлантиришга ихтисослаштирилган 3 та фермер хўжаликларига паррандалар бош сонини кўпайтириш учун жами 410 миллион сўм кредитлар ажратилди.

Мамлакатимиз раҳбарининг "Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрида"ги ва "Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонларини бажариш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, иқтисодий ночор ҳолатга тушиб қолган "Берунийтекс" ҚК ва "Райҳон" АЖларининг банк балансига олинган мулклари асосида янги текстил —"Бертекс" шўъба корхонаси очилди ва у ўз фаолиятини бошлади.

"Асака" банкнинг Қорақалпоғистон филиали мулк шаклидан қатъи назар ҳар қандай турдаги мижозлар билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Молиявий муассаса мижозларга хизмат кўрсатиш билан бирга улардаги муаммолар ечимини ўзаро манфаатдорлик асосидаги шериклик ва ҳамкорлик орқали ечишга интилмоқда.

**"Hurriyat" мухбири**
**Ғойиб ЁҚУБОВ**
**ёзиб олди.** ®

ВАҚТИНЧАЛИК КЕЛИШУВ

Фаластинда ҳукумат учун курашаётган ФАТХ ва ХАМАС гуруҳлари Газо секторида тартиб сақлаш учун биргаликда ҳаракат қиладиган гуруҳ ташкил этишга келишиб олишди. France-Presse мухбирининг таъкидлашича, ФАТХ вакили Набтль Шаат бу ҳақда жиддий келишувга эришилганини айтган. Ушбу гуруҳ 2010 йилнинг 5 январигача, яъни сайловгача фаолият кўрсатади.

РИА НОВОСТИ тарқатган хабарда айтилишича, ФАТХ ва ХАМАС етакчилари, шунингдек, сайловгача ҳукумат вазифасини бажариб турадиган қўмита тузишга ҳам қарор қилишган. Сиёсатчилар ушбу келишув ҳудудда вақтинча бўлса-да тинчликни сақлаб туришига умид билдиришмоқда.

Эслатиб ўтамиз, 2007 йилнинг июнида ХАМАС Газо секторини эгаллагандан сўнг Иордан дарёсининг ғарбий қисми ФАТХ қўлида қолган эди. Шундан буён Газо секторида жанжаллар давом этмоқда. Исроил бу қўшинларга ҳужум қилиб, секторни вайронага айлантирди.

АВТОМОБИЛЬ КИМОШДИ САВДОСИДА

Ferrari автоконцернининг қароргоҳи жойлашаган Италиянинг Моранелла шаҳрида кимошди савдоси бўлиб ўтди. Унда концерннинг 1957 йилда чиққан Ferrari 250 Testa Rossa автомобили 9 миллион евро (12 миллион доллар)га сотилди.

Bloomberg агентлиги хабарига қараганда, номини айтишни истамаган харидор автомобилни сотиб олган. У савдода телефон орқали қатнашган. Ferrari 250 Testa Rossa 12 цилиндрли машина бўлиб, 300 от кучига эга. 1957-1958 йиллар оралиғида ушбу автомобилдан фақат 22 та ишлаб чиқарилган холос.

RM Auctions кимошди савдо уйида ўтган йилнинг сентябрь ойида Ferrari 250 GTO пойга автомобили 28,7 миллион долларга сотилган эди.

ДАРАКЛАР

ВЕРТОЛЁТ ДЕНГИЗДАН ОЛИНДИ

Шу йилнинг 4 май куни Болтиқ денгизига қулаб тушган КА-27 вертолётини сув остидан чиқариб олиш амалиёти муваффақиятли тугади. Ҳозир вертолёт кемаларнинг бирида қирғоққа олиб келинаяпти. "Интерфакс" хабарига

қараганда вертолёт 28 метр чуқурликдан тортиб олинган. Уни сув остидан чиқариш амалиётига Болтиқ денгизи флотининг учта кемаси ва сузувчи кран жалб этилди.

КА-27 "Ярослав Мудрий" қўриқчи кемасига қўнаётган пайтда сувга қулаб тушган эди. Қулаш пайтида у "Кортик" зенит-ракета комплексига зарар етказганди. Вертолётда бўлган беш нафар экипаж аъзолари қутқариб қолинди.

ТАФСИЛОТ

## КХДР: ЯДРО ҚУРОЛИ ЯРАТИШ ЙЎЛИДАГИ УРИНИШЛАР

*Инсоният XX асрда қуролланишга шунчалик зўр бердики, бугун унинг хавфидан ҳеч ким четда қолаётгани йўқ. Иккинчи жаҳон уруши тугаши арафасида АҚШ атом бомбасини яратиб, уни Япониянинг Хиросима ҳамда Нагасаки шаҳарларида синаб кўрган ва биз энди дунёга ҳукмрон бўламиз, дея аюҳаннос солганди. Лекин орадан кўп ўтмай худди шундай қурол собиқ шўролар мамлакатида ҳам пайдо бўлди. Ҳозирга келиб эса бу оммавий қирғин қуролига Буюк Британия, Франция, Хитой, Ҳиндистон, Покистон каби мамлакатлар ҳам эга. Энг ачинарлиси, бугун бу қуролнинг террорчилар қўлига тушиб қолиш эҳтимоли ҳар қачонгидан ҳам юқори.*



Оммавий ахборот воситалари хабарларига қараганда, яқин йилларда Корея Халқ Демократик Республикаси ҳам атом бомбаси ишлаб чиқариши мумкин. Шу йилнинг апрель ойи бошларида КХДР «Ынҳа-2» ракетаси ёрдамида «Кванменсон-2» сунъий йўлдошини самога учирди. Расмий Пхеньян маъмурларининг таъкидлашича, сунъий йўлдош самода фаолиятини бошлаган. Аммо ракета ҳаракатини кузатган тадқиқотчиларнинг фикрича, «Кванменсон-2» маълум вақтдан сўнг денгизга қулаб тушган. Шундай экан, у ҳеч қандай сунъий йўлдош эмас, балки «Тхэпходонг-2» баллистик ракетаси бўлиши мумкин. Ваҳоланки, БМТ Хавфсизлик Кенгаши Шимолий Кореяни ҳар қандай ракета синовларини тўхтатиш тўғрисида огоҳлантирган эди.

Расмий Пхеньян жорий йилнинг февраль ойида самога ўз сунъий йўлдошини чиқариши тўғрисида хабарлар тарқатди. Шунингдек, у космосга чиқарилган объектларни рўйхатдан ўтказиш бўйича 1974 йилда имзоланган Конвенцияга қўшилишини ҳам билдирди.

Кореянинг самога ракета учиргани тўғрисидаги хабар ўша пайтдаёқ АҚШ, Жанубий Корея ва Япония хавотирга солган эди. Ушбу давлатлар вакилларининг таъкидлашича, сунъий йўлдош бир баҳона, холос. Аслида КХДР ўзининг баллистик ракеталари синовини давом эттирмоқда. Бу ракеталар эса ядро каллакларини олиб юришга мўлжалланган. Дастлабки маълумотларга қарағанда, Шимолий Кореяда ишлаб чиқилаётган ракеталар ўртача 4 минг километрдан 10 минг километргача масофага учиши мумкин. Айрим мутахассислар ракеталар 15 минг километрга ҳам уча олади, деган фикрларни билдиришмоқда. Аммо бу гапларга ишониш қийин. Шундай бўлса-да, Шимолий Кореянинг ядро қуролига ва уни маълум масофага етказиб борадиган ракетага эга бўлиши дунё хавфсизлигига таҳдид солиши аниқ. Шунинг учун ҳам дунё ҳамжамияти КХДРнинг ядро қуролига эга бўлишига қарши чиқмоқда.

Расмий Пхеньяннинг ҳам ўзига яраша даъвоси бор. Мамлакат расмий доиралари нима учун бошқа давлатлар ядро қуролига эга бўлиши мумкин-у, бизга мумкин эмас, деган саволни бермоқда. Албатта, юқорида айтганимиздек, дунёда шу пайтгача яратилган қуроллар бугун инсониятнинг ўзига катта хавф солиб турибди. Шунинг учун ҳам дунёда уни тарқатмаслик, бошқа давлатларда ишлаб чиқарилишига йўл қўймасликдек муҳим масала бор. Ядро қуролига эга давлатлар сони қанча кўпайса, бу ўлим қуролининг террорчилар қўлига тушиш имконияти шунча кенгаяди.

Шунинг учун барча давлатлар расмий Пхеньянни ядро қуроли ишлаб чиқишдан воз кечишга чиқирди. Корея Халқ Демократик Республикаси раҳбарларининг таъкидлашича, улар ядро қуролига эга бўлмоқчи эмас, балки ядро энергиясидан фойдаланмоқчи. Мамлакатда энергия ресурслари жуда кам. Шунинг учун аҳолиси иқтисодий жиҳатдан қийин аҳволда яшамоқда. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Шимолий Кореянинг ядро дастури бўйича БМТ ташаббуси билан 2003 йилнинг августида олтилик гуруҳи тузилган. Унга АҚШ, Россия, Хитой Халқ Республикаси, Япония, Жанубий Корея ва Шимолий Корея кирган. Олтилик мана бир неча йилдирки, музокаралар олиб бормоқда. 2005 йилнинг сентябрида бир келишувга эришилган эди. Ушбу келишувга биноан «донор мамлакатлар» Шимолий Кореяни етарли ёнилғи билан таъминлаши, бунинг эвазига Пхеньян ядро дастуридан воз кечиши лозим эди. Аммо бу режа амалга ошмади.

Сўнгги синов олдидан қўшни давлатларда жанговар ҳолат эълон қилинди. Синовдан сал олдинроқ Шимолий Корея ҳудудига яқин жойда Жанубий Корея ва АҚШ ҳарбий денгиз флоти қўшинлари қўшма машқлар ўтказишди. Японияннинг ҳаво ҳужумига қарши қўшинлари ҳам жанговар ҳолатга келтирилди. Япон денгизи ҳудудига иккита ракета ташувчи эсминец жўнатилди. Улар ракета ҳаракатини кузатиб турдилар. Кемадаги ҳарбийларга агар ракета Япония хавфсизлигига дахл қиладиган бўлса, уни уриб тушириш вазифаси юклатилганди.

Россиянинг Узоқ Шарқдаги қўшинлари ҳам ўша кунлари жанговар ҳолатга келтирилганди. Гарчи Шимолий Корея Россия билан яқин қўшничилик алоқаси ўрнатган бўлса-да, ҳали синовдан ўтмаган ракетанинг қаерга тушиши номаълум эди. Шунинг учун Москва ҳам бу синовни диққат билан кузатишга мажбур бўлди. Приморье ўлкасидаги аэродромдан ҳар уч соатда иккитадан Су-27 бомбардимончи самолётлари самога кўтарилиб, қўриқчилик қилди. Вашингтон ҳам расман ракетани уриб тушириш нияти йўқлигини билдирган бўлса-да, ўша кунлари Япон денгизида АҚШнинг Aegis типидаги ракетага қарши тизим билан қуролланган кемалари айланиб юрди.

Маълумки, 2006 йилда ҳам Шимолий Корея ўз ракетасини самога чиқаришга ҳаракат қилиб кўрганди. Лекин ўшанда парвоздан сўнг 40 сония вақт ўтгач ракета портлаб кетганди. Шундан кейин масала БМТ Хавфсизлик Кенгашида кўрилиб, КХДРга нисбатан Россия ва Хитойнинг қаршилигига қарамай, ХКнинг 1718 резолюцияси қабул қилинганди.

Сўнгги синовдан сўнг Шимолий Кореянинг ядро қуроли масаласи яна бир бор Хавфсизлик Кенгашида кўрилди. Лекин бу сафар негадир резолюция эмас, баёнот қабул қилинди. Бу ҳужжатда расмий Пхеньяннинг тутган позицияси қоралланган бўлсада, унга қарши аниқ бир чора кўрилмади. Натижада ҳеч ким ҳеч нарсага эришмади. Сиёсатчиларнинг таъкидлашича, сўнгги йилларда бир томонда АҚШ ва ғарб давлатларининг туриши, иккинчи томонда Россия ва Хитойнинг туриши қўплаб масалаларнинг ҳал бўлишига халақит бераяпти. Бу қарама-қаршиликлардан учинчи томон ютаяпти.

Ҳозир тилга олинаётган Шимолий Кореянинг ядро қуроли яратиш борасидаги уринишларига қарши чоралар кўриш масаласи ҳам 2003 йилдан буён гоҳ у томоннинг, гоҳ бу томоннинг айби билан пайсалга солинмоқда. Оқибатда эса яна бир давлат ядро қуроли яратиш арафасида турибди. Ғарб разведкаси аллақачон КХДР ядро қуролига эга мамлакатлар сафига қўшилганини эълон қилди. Куни кеча The Times газетасида шундай хабар пайдо бўлди. Унда айтилишича, Шимолий Корея ядро қуроли синовини муваффақиятли ўтказган.

Бундай қарасангиз, дунёда инсониятга қарши ишлатиладиган янги қуроллар яратилишига ҳамма қаршидек. Лекин бирор давлатнинг ядро дастури муҳокама қилинадиган бўлса, дарров унинг тарафдорлари топилади. Натижада масала муҳокамадан нарига ўтмай қолиб кетаверади.

***Интернет хабарлари асосида***
***Азизбек АЛЛАБЕРДИЕВ тайёрлади.***

*Эсингиздами, болалигимизда бир мультфильмни томоша қилардик. Унда ёлғончилиги билан кўпчиликка маълум бўлган эртак қаҳрамони сўзини исботлаш учун доим "Ёлғон бўлса ер ютсин" дерди. Уни охири ер ютади. Энди тасаввур қилиб кўринг-а, ҳаётда ҳам ёлғон гапираётганларнинг ҳаммаси шу жазога лойиқ топилса-я. Ер юзида нечта одам қоларкин?..*



ДЎСТИМГА МАКТУБ

# Иймонли одам ёлғон гапирмайди

Қадрли дўстим, балки сизнинг ёшингиз мендан кўра каттароқдир, балки ёшроқдирсиз. Аммо бундан қатъи назар, келинг дилдан суҳбатлашайлик. Аввало, ростгўйлик ҳақида. Фақат... Виждонан айтинг-чи, ҳаётингиз давомида (болалик йилларингиз бундан мустасно) умуман ёлғон аралаштирмай гапирган кунларингиз бўлганми? Биламан, бу саволга жавоб айтиш бироз қийинроқ.

Умуман, ўзи нега ёлғон гапирилади? Қандай вазиятда бировни алдашга тўғри келади? Келинг, бу саволларга жавоб излашдан аввалроқ ёлғон тушунчасининг нима эканини аниқлаб олайлик. Менга қолса, уни уч турга бўлардим. Биринчиси, яхшилик йўлида сўзланадиган ёлғонлар. Улар билан кўплаб кўнгилсизликларнинг олди олиниши мумкин. Баъзан биргина ана шундай ёлғон эвазига инсон ҳаёти сақлаб қолиниши ҳам мумкин. Ҳатто, миллий афсонамиз қаҳрамони Широқ моҳирона ўйлаб топган ёлғон (ҳийла)и билан ўз ватандошларини муқаррар ҳалокатдан сақлаб қолади. Кундалик турмушимизда ҳам парокандалик бўсағасидаги оилаларни сақлаб қолиш ёки дўстлар орасидаги нифоқни бартараф этиш учун кўпинча ёлғон ишлатилади. Яхшилик йўлидаги бундай алдовлар кечирилади, албатта. Улар ёлғончи дейилмайди ҳам. Чунки вақт ўтиб ўша гап ошкор бўлганида содир бўлиши мумкин бўлган кўпгина дилхираликларнинг олди олинган бўлади.

Мисол тариқасида ўзим гувоҳ бўлган бир воқеани келтирмоқчиман. Университетда ўқиб юрган пайтларим эди. Дарслари ҳар куни талабалар турар жойида тонготар гурунглар уюштирардик. Доимий мавзуларимиз — адабиёт, санъат, бугунги ва эртанги журналистика. Шундай суҳбатларимиздан бирида билимдонлиги билан ҳам, одоби билан ҳам ҳаммамизга ўрнак бўлган бир курсдошимизнинг қариндошлари қўнғироқ қилиб қолишди. Унга "Тез қишлоққа етиб келгин, отангнинг тоби қочиб қолди", дейишди. Дугонамнинг ранги докадай оқариб кетди. Нима гап бўлганини ҳаммамиз ич-ичимиздан тушуниб турибмиз-у, лекин уни овутамиз:

— Баҳонада қишлоғингга бориб келаркансан-да.

— Сенга ҳавасим келаяпти, уйингга, оиланг бағрига кетаяпсан-а?!

— Менга қара, қайтаётганингда тандиркабоб олиб келмасанг, хафа бўламиз.

У жуда ақлли эди. Ҳаммасини сезиб тургандай "Қўйинглар" деди-ю кўзларида ёш милтиллади. Шунда биздан ёши каттароқ бўлган курс сардоримиз "Бекорга ҳар хил хаёлларга борма! Иссиқ жоннинг иссиғи чиқади-да. Инсон тақдири Аллоҳнинг қўлида" деб уни юпатди-да, шерик бўлиб қишлоғига жўнади.

Энг хавфли ёлғон бироз бузилган ҳақиқатдир, деган экан файласуфлардан бири. Алдовнинг иккинчи тури — ана шу. Кўпинча ёлғонимиз орасига озгина рост гап қўшамиз-у суҳбатдошимизни ишонтириб, ўз виждонимизни алдаймиз. Йиллар ўтиб, виждоннинг юки оғирлашиб боргани сайин унинг қийноқларидан азият чекамиз, азобда қоламиз. Бекмурод исмли бир отахоннинг суҳбатида бўлганимдан кейин шундай хулосага келдим. Унинг бутун ҳаёти ростга ўхшаган биргина ёлғон туфайли барбод бўлган экан. Ўша ҳаётий воқеани ҳикоя қилиб берай:

Олис бир қишлоқда яшайдиган йигит юксак орзулар оғушида шаҳарга келади. Бу ерда яхши инсонларга дуч келиб, дурустгина ишга жойлашади. Озроқ сармояга ҳам эга бўлади. Танишларига етимлигини, меҳрга зор ўсганини айтади. Худди шу гапларни ишхонасида хулқи билан ҳам, чиройи билан ҳам кўпчиликнинг эътиборида бўлган қизга ҳам айтиб, дардига малҳам бўлишни сўрайди. Шундай қилиб, сулувнинг меҳрини қозонади. Бир қарашда Бекмуроднинг гаплари ростга ўхшарди. Чиндан ҳам уни ҳеч ким йўқлаб келмас, қийинчилик кўриб ўсгани кўринишидан шундоққина сезилиб турарди. Аммо аслида у етим эмасди. Фақат йигирма ёшида унинг онаси оламдан ўтган, лекин отаси, уч укаси бор эди. Оғир меҳнатдан қочиш, осон ҳаёт тарзига эришиш истаги Бекмуродни ёлғон гапиришга ундаганди. Қизнинг ота-онаси эрка дилбандининг хоҳишини қайтармай, тўй-у томошалар билан "етим" йигитни ўз ўғлидай қабул қилишади. Келиннинг отаси ёш оилага уй-жой олиб беради, куёвини дурустроқ ишга жойлайди. Орадан ўн йилларча вақт ўтади. Бу пайтда Бекмурод бир қиз ва икки ўғилнинг отаси бўлиб хотиржамгина яшаётган эди.

Шундай осуда кунларнинг бирида унинг хонадонига бир нотаниш йигит келиб, Бекмуродни сўрайди. Қайнотаси унинг уйда йўқлигини, ишдалигини айтиб, йигитни меҳмон қилади. Гап орасида меҳмондан "етим" куёвининг қишлоқда оила аъзолари борлиги, отаси кексайиб, тўшакка михланиб қолгани, ўғлини йўқлаётганини эшитган қайнота ғазабдан ёниб кетади. Бекмурод ишдан қайтганда уни кўчага қувиб, бошқа уйига қайтиб келмаслигини уқтиради.

Мана, шу воқеаларга ҳам ўттиз йил бўлибди. Бекмурод ота ҳозир ҳам қайнотасининг "Бутун ҳаётини ёлғон билан қурган одамдан қандай яхшилик кутиш мумкин?!" деган сўзларини бот-бот эслайди. Ўтган йиллар мобайнида у бирор марта на рафиқасини, на фарзандларини кўра олди. Нафратга учраганини юрак-юракдан ҳис қилиб яшаяпти.

Секин-секин одимлаб касалхонадан чиқиб келаётган Бекмурод отанинг навбатдаги юрак хуружидан кейин заъфарон тус олган чеҳрасига разм солиб, биргина ўйланмай айтилган ёлғон туфайли бутун умри хазон бўлганига шоҳид бўлиш мумкин.

Ёлғоннинг учинчи тури — бирор манфаат йўлида айтиладиган алдовдир. Аслида инсонни ёлғон гапиришга нима мажбур қилади? Бир сўз билан қўрқоқлик, ўзига ва ёнидагиларга ишончсизлик дейиш мумкин. Зотан, ўзига ишонган одам ҳар қандай вазиятда ҳам ёлғон гапирмайди. У атрофидагиларни ҳурмат қилгани каби ўзини ҳам улардан кам кўрмайди. Шу боис ўзини ҳам, ўзгани ҳам алдамайди.

Уйига ўт кетган одам ҳақидаги ривоятни яна бир эслайлик. Бир киши қишлоқдошларининг унга бўлган меҳрини синаб кўриш ниятида ярим кечаси "Уйимга ўт кетди, халойиқ! Ёрдам беринглар" дея бор овози билан бақиради. Бутун қишлоқ бири челак кўтариб, бири оёқяланг, қўлида белкурак, кетмон олиб чопиб келади. Аммо бояги одам алдаётганини кўрган эл ортига қайтади. Бошқа бир куни яна шу воқеа такрорланади. Буни қарангки, учинчи марта ўша одамнинг уйига ҳақиқатан ҳам ўт кетади. Аммо энди у ҳар қанча ёрдам сўраб бақирмасин, дод уриб йиғламасин қишлоқ аҳли кўриниш бермайди. Сабаби одамлар уни аллақачон ёлғончига чиқаришган. Энди унинг ҳар қандай рост гапи ҳам ишончсиз эди.

Дўстим, билсангиз керак: Ҳадисларда ёлғончилик ҳақида шундай дейилган: "Расуллуллоҳдан (С.А.В) сўрашди: "Мўмин қўрқоқ бўладими?" "Ҳа" деб жавоб бердилар. Яна сўрашди: "Мўмин бахил бўладими?" "Ҳа" дедилар. Яна сўрашди: "Мўмин ёлғончи бўладими?" "Йўқ", деб инкор қилдилар".

Дарҳақиқат, қалбида иймон нури бор бўлган инсон ноҳақ сўз айтишдан тийилишга қодир бўлади. Бошқача айтганда, юрагида инсонийлик туйғулари уйғоқ бўлган одам ҳар қандай вазиятда ҳам хоҳ оддий кундалик ташвишлар орасида бўлсин, хоҳ катта давраларда бўлсин ёлғон сўзлашни ўзига эп билмайди. Зотан, ёлғон сафсата сотиб кўзга кўрингандан кўра сукут сақлаш афзал.

Ёлғон билан тўла умр қумдан ясалган бинога ўхшайди. Биргина эпкин ҳам уни вайрон қилиши мумкин. Энг дахшатлиси, жамиятда "ёлғончи" деган ном олади. Алдовларга ўралашиб қолган кишининг кўнгил хотиржамлиги бўлмайди. Гарчи аччиқ, гоҳида ўз манфаатларига зид бўлса-да, рост гапириб яшайдиган одамнинг руҳи осуда, виждони пок, уйқуси ширин, кунлари нурли, энг асосийси, ўзига, эртасига ишонч бўлади.

Дўстим, агар бу фикрларга эътирозингиз бўлса, умуман ёлғон гапирмасдан бир кунгина яшаб кўринг. Ундан кейин... яна суҳбатлашамиз.

**Ситора ШАМСИДДИН қизи.**

ФАОЛИЯТ

# ҒИЖДУВОНЛИК ФЕРМЕРЛАР

## *уларни хорижий юртларда ҳам билишади*

*Содиқжон бир неча йил пойтахтда таълим олган пайтларини демаса, ақлини танибдики, умри далада ўтади. Шунданми ер, тупроқ, сув билан боғлиқ фикр-мулоҳазалар мен учун ҳаёт-мамотдек эшитилади, дейишига ажабланмаса ҳам бўлади унинг. Айниқса, она ер тўғрисида сўз очилса...*



Қишлоқнинг бир гузарида ёнма-ён жойлашган Содиқжоннинг укалари, отаси ва ўзининг хонадонларига борадиган йўллар, муюлишлар кенг ва равон. Аммо сал нарига ўтишингиз билан йўллар торайиб, қийшайиб, илон изи шаклида эканини кўрасиз. Одамлар йўл ҳисобидан ер олиб, уларни симлар билан тўсган, гулзор, теракзор қилган, баъзилар турли экинлар эккан. Содиқжон қишлоқ йўлларидаги бу манзарадан хижолат тортди шекилли, оғриниб гапирди:

— Мен ҳамқишлоқларимга йўл ҳамманики, уни ўзларингизники қилишга ҳақларингиз йўқ, катта йўл кенг ва бир текисда бўлиши керак, дея тушунтирдим, аммо қулоқ солишмади. Одамлар кўчаларга ҳам худди ўз уйларига қарагандек, маданият ва меҳр билан муносабатда бўлишса эди! Лекин шундай даврлар албатта, келади. Мана, биз фермерлар, ўн-ўн беш йил илгари бугунги даврни орзу қилардик. Шахсан мен кўп ўйлардим: 30-40 гектар ерим бўлса-ю, техникадан қарашгин дея бировга зорланмасам, "қани бўл" деб ҳеч ким бошимда турмаса! Худога шукр, бугун бир пайтдаги орзуларимдан ҳам зиёд хўжалигим, техника воситаларим, жамоам бор.

Ҳа, Содиқжон Насимовнинг 32 гектар ер майдони бўлиб, 10 гектарига буғдой, қолганига пахта экқан. Ўктамжон Қаюмовнинг фермер хўжалиги эса каттароқ — 92 гектар. Бу йил у 17 гектар майдонга буғдой экди. 75 гектар ердан пахта ундирмоқчи. Иккала йигитнинг буғдойзорлари бўлиқ, баравж, бир текисда униб-ўсмоқда. Фермерларнинг ерга яхши ишлов бергани кўриниб турибди. Пахта, буғдой унаётган майдонлар, улар атрофи, ариқ ва жўякларнинг ёнидан юраркансан, оҳиста қадам босамиз. Боиси бу ерда ризқу рўзимиз бўлган ғалла ўсаяпти.

Биз Ўктамжоннинг даласини кесиб ўтган икки томони тутзор йўлдан борардик.

— Илгари бу ерларда одамлар хоҳлаган ишини қиларди, — дейди фермер. — Тут дарахтларини каллаклашар, даладан кўсак узишар, чорва моллари қўйиб юборган кезлар кўп бўларди. Бир муддат аъзоларим билан шу жойларда қўриқчилик қилишимизга ҳам тўғри келган. Одамларнинг дов-дарахт, экинларга зарар етказмасликлари учун астойдил уриндик. Мутахассислигим бўйича ўқитувчиман. Табиатга меҳр билан қараш нима учун лозимлигини тушунтираман, кези келганда, далада ёшларга бу тўғрисида сабоқ бердик. Қишлоқ аҳли бунга кўникди. Ҳозир мактаб болалари шу йўлдан ўтиб-қайтадилар, аммо дарахтларга зарар етказишмайди.

— Менга Ғарб давлатлари фермерлари билан ўтказиладиган халқаро анжуманларда иштирок этиш насиб қилган, — дейди шеригининг гапини маъқуллаб Содиқ фермер. — Биз улар билан учрашганда ўзаро фикрлашамиз, тажриба алмашамиз. Хорижлик фермерлар ўз ҳамкорларини қайси мезонлар асосида танлайдилар? Улар фермерни мўл ҳосил етиштиришга қараб баҳолаймайдилар. Ҳаллоллик, бирсўзлилик, жонкуярлик, қатъий интизом ва режа билан ишлаш, хуллас аввало тартиб-интизом ғарблик фермерлар учун муҳим саналади. Бир сўз билан айтганда, фермер сифатида инсонийлик томонларингизни қанчалик намоён эта олсангиз, улар шунчалик сизга ишонадилар.

Биз билан фермер хўжаликлари ерларини айланишда "Бўктарой" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Боймурод Нуров, туман газетаси муҳаррири Ғуломжон Ибодовлар ҳамроҳлик қилаётган эди.

— Хориждаги фермерларнинг Содиқжон билан мулоқот қилаётганига сабаб бор, — дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Боймурод Нуров, — Бу йигит туманимиздаги иссиқхоналарда ҳосил етиштиришнинг обдон ҳадисини олганлардан. У 25 сотихли иссиқхонасида Голландия технологияси асосида помидор, бодрингларни етиштириб чет элликларнинг назарига тушган. Маълумки, иссиқхонада маҳсулот ундириш деҳқондан кўп меҳнат ва фидойилик талаб қилади. Бунинг учун одамда уқув, яхшигина тажриба ҳам бўлиши лозим.

— Оддийгина қилиб тушунтириб қўяйлик, Бойбува, — дейди Содиқжон кулиб. — Экиннинг ҳам ўз "феъл-атвори" борлигини биласизлар. Уларни уруғ, сув, ёруғликка тўйинтиришда эҳтиёткорлик билан ёндошишга тўғри келади. Масалан, ўсимликка ёруғлик қайси томондан тушаяпти? Бундай муаммоларни ўрганиш учун бажарилаётган ишларни эринмасдан ёзиб бораман. Ҳар йили қайд этилаётган кундаликлар китоб жавонимни тўлдирмоқда. Масалан, шифокорларнинг вазифаси беморнинг касаллик тарихига оид варақаси билан қанчалик боғлиқ бўлса, мен учун кундаликларим ҳам шундай қимматга эга. Маълумки, қишлоқ хўжалигида ҳосилдорлик об-ҳавога ҳам боғлиқ. Масалан, ўсимликка ёруғлик миқдори кам тушса, ҳосилнинг оғирлиги ўзгаради. Айтайлик, вазни 30 килограмм оғирликдаги бир кути помидор 27-28 килограмм чиқиши мумкин.

— Мен бугун фермерлар ишини ўзига хос қаҳрамонлик, дегим келади, — дейди туман газетаси муҳаррири Ғуломжон Ибодов. — Сабаби улар маҳсулотни йўқдан бор қилишга эришмоқдалар. Сир эмас, қўлидаги ери-ю тракторини ишлатолмаганидан қайта топшираётган фермерлар ҳам бор. Сарфлаган харажатларини қоплай олмай, куйиб қолаётганлари қанча. Ўзим ҳам шу соҳада бироз тер тўкиб англадим. Бугун фермер фойда кўриши учун унга билим, маблағ ва тажрибанинг ўзи камлик қилади. Омад, ният, уддабуронлик сингари тушунчалар ҳам аҳамиятли.

— Мен сиз айтган гаплар қаторига меҳрни ҳам катта ҳарфлар билан қўшган бўлардим, — дейди Ўктам фермер. — Ер бизга ижарага берилган бойлик. Уни авайлаб меҳр билан парваришласангиз, албатта фойда оласиз. Деҳқончилик узоқни кўзлаб қилинадиган юмуш экани маълум. Дастлабки йилларда фойда ололмаслигингиз мумкин. Аммо ҳосилнинг давлатга топширилганидан ортгани ҳам аслида фойда! Ҳосил йиғиб олингандан сўнг экилган озуқабоп маҳсулот ҳам бир кунингизга ярайди. Фермер пухта фаолият юритса, албатта, фойда кўради. Агар мен ва жамоамдаги 55 киши ўз ишимиздан қониқмаганимизда, ўтган йилги 42 гектар ер майдонини бу йил 92 гектарга кенгайтирармидик?

— Мен шуни ишонч билан айта оламанки, — дейди Содиқ фермер, — ерга, техникага фақат даромад манбаи сифатида қараш, нуқул фойда кетидан қувиш ишни пала-партишликка олиб келади. Масалан, фақат одамларнинг қорнини тўйдирсам бўлди, қабилида ўйлаб иш юритадиган ошпазлар ҳам бор. Лекин мен пиширган таомдан ҳузурланиб, истеъмол қилишсин, деган ният билан қозонга ўт ёқувчилар ҳам бор. Иккаласи тайёрлаган овқатлар орасида ер билан осмонча фарқ бўлади. Деҳқончиликда ҳам шундай гап. Хўжалиги пала-партиш, техникаси алғов-далғов, аъзолари ноаҳил, норози жамоаларда фойда албатта, бўлмайди.

— Бу гапларга қўшиламан, — дейди қишлоқ оқсоқоли Боймурод Нуров. — Бизнинг тасарруфимизда пахта-ғалла етиштирувчи 22 та фермер хўжалиги бор. Шуларнинг каттагина қисмини деҳқончилик маданиятидан яхши хабардор фермерлар бошқаришади. Лекин меҳнатга муносабати юзакироқ бўлганлари ҳам йўқ эмас. Содиқжон билан Ўктамжонлар эса ўз вазифасига масъулияти баланд фермерларимиздан ҳисобланади. Айтайлик, айрим фермерларнинг иши сал пайсалга солинса ёки бир муддатга тўхтатилса, ўша фермер кўниши мумкин. Аммо бу иккала йигитларнинг ишига бирор важ кўрсатишнинг иложи йўқ. Улар ишнинг тўхташига сира йўл қўйишмайди. Палапартишлик, хўжакўрсинлик уларга хос эмас. Содиқжон ва Ўктамжонлар ўз жамоа аъзоларининг ҳар қандай муаммосидан хабардор, уларга маънавий ва моддий кўмак бериш учун доим шай туради. Шунинг учун ҳам бу фермерларнинг иши унумли, фойда ва даромад улар билан бақамти юради.

Табиатан адабиётга, сўз сеҳрига ошуфта, самимий инсон Боймурод ота Нуров билан бу икки фаол йигитнинг қишлоқлар фаровонлиги учун амалга ошираётган ишлари хусусида ҳам суҳбатлашдик. Оқсоқол уларнинг авлод-аждодлари ҳақида тўлқинланиб ҳикоя қилди. Унинг айтишича, Ўктамжоннинг бобоси шўро даврида катта жамоани узоқ йиллар самарали бошқарган. Содиқжоннинг бобоси эса қишлоқнинг ўзига тўқ, кўзга кўринган бойларидан саналган. Унинг чорва отарларида от, туялари, хўкиз ва қорамоллари кўп бўлган. Қулоқлаштириш даврида молмулклари тортиб олинган ва бобоси узоқ юртларга сургун қилинган экан.

Содиқжон хориждаги анжуманларнинг бирида Ўзбекистонда, хусусан, ўз туманида фермерлик соҳасида амалга оширилаётган ишлар, соҳадаги ютуқ ва муаммолар юзасидан ўз фикрларини баён қилган. Залда ўтирган ҳамкасбларига ундаги фидойилик, ўзига ишонч, сўзларидаги қатъийлик маъқул келган. Шунда унинг сўзларидан тўлқинланган немис ҳамкасби шундай деган:

— Содиқ Насимов табиатидаги фидойилик ва жонкуярликни қадрлаш керак. У бир пайтлар боболари эришган катта салоҳият пиллапоясида турибди. Агар фермер ишларини шу тарзда давом эттирса, бизга ҳам намуна бўлишига ишонаман.

**Суратларда:** *бугуннинг ишбилармон кишилари — Ўктам Қаюмов (юқорида) ва Содиқжон Насимов.*

**Мамлакат НОРМУРОДОВА,**
**"Hurriyat" мухбири.** ®

АДАБИЙ ЖАРАЁН

# Собир ЎНАР:
# "Ҳақиқий ёзувчида яратиш иштиёқи сўнмайди"

*XX асрнинг бошларида юзага келган ўзбек ҳикоячилигининг ривожланишида ижтимоий воқелик, жамият ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар муҳим аҳамиятга эгалиги шубҳасиз. Адабиётнинг бош мақсади инсонни таҳлил этиш экан, бу ўзгаришлар унинг ҳаётига, онгу шуурига қандай таъсир этаётганини ўзида акс эттиради.*

*Асрнинг дастлабки йилларида юзага келган ҳикоячилик жанрида ҳаёт ҳақиқатлари рўй-рост акс эттирилиб, реалистик тасвир устуворлик қилган бўлса, жамият тараққий этгани сайин адабиётда ҳам воқеа-ҳодисаларни ўзгача шакл, усулларда тасвирлаш юзага кела бошлади. Энди содда ва равон тилда ифода этилган бадиий воқелик ўз таъсирини бироз йўқотди. Ана шу ўзгачаликни адабиётшуносларимиз турлича талқин қила бошладилар. Кимдир бу ҳолатни ижоддаги янгиланиш деса, яна кимдир Ғарб адабиётига тақлид деб баҳолади. Ёзувчи, "Ёшлик" журналининг бош муҳаррири Собир ЎНАР билан бўлиб ўтган суҳбатимиз ҳам бугунги адабий жараён, ёзилаётган асарлар салмоғи ва мазмун-моҳияти ҳақида кечди.*

***— Собир ака, кейинги пайтда адабиётшунослигимизда янгича истилоҳ — "модернизм" анчагина кучайди. Сиз бу жараёнга қандай баҳо берасиз?***

— Қодирий ўзбек романчилигига асос солганида дунёда атиги бешта романчилик мактаби мавжуд эди. Жаҳон адабиётининг олтинчи мактабини яратаман деб енг шимарган адибнинг жасоратини кўз олдимизга келтириш мумкин.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, Қодирийга қадар романчиликлар Вольтер Скотт даврларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда беш юз йилдан ортиқ тарихга эга, Европа насри тамом илғорлашиб кетган эди. Сервантес, Ж.Свифт насри ҳозиргача диққат билан ўқилади, мумтоз адабиёт намуналари сифатида эътироф этилади. XX асрга келиб эса инглиз, француз, асосан, немис адабиётида шаклий тажрибалар қўллаш, анъанавийлик, реалликдан чекиниш ҳолатлари рўй бера бошлаган, французлар, айниқса, натурализмдан бутунлай безор бўлган эди.

Сирасини айтганда, модерн адабиёт ҳам катта эҳтиёж маҳсулидир. Болага чақалоқлигида алла, сўнгроқ эртак, достонлар таъсир қилгани каби ақли тўлишганда ўта жиддий асарлар ўқиш зарурати туғилади. Шунинг учун ҳам Абдулла Қодирий Ғарб, Шарқ адабиётларининг барча "ёзиш йўсин"ларини ўзлаштиришни ўзига бурч деб билади. Айни замонда тарихнинг "ўта чиркин" замонидан сўз очиб, бугуннинг "Лайли ва Мажнун", "Фарҳод ва Ширин", "Чор дарвеш"лари янглиғ асар битмоққа ўзида улкан жасорат топади.

Демак, адабиёт, шу жумладан, наср пайдо бўлгандан буён унинг шаклини ўзгартиришга иштиёқ кучли бўлган. Оғзаки адабиёт ўзгармай қолиши мумкиндир, сабаби у оғиздан-оғизга кўчиб юради. Шунинг учун тушунарлилик талаб этилади. Аммо ёзма адабиётни шахслар яратади. Ўз-ўзидан хоҳ у насрий, хоҳ шеърий бўлсин, муаллифнинг кўнгли, фикри ёхуд воқеа-ҳодисаларнинг шоир ёки носирга мослашиб қолиши табиийдир. Шу маънода "содда ва равон тилда ифода этилган бадиий воқелик" муқим бир тамойил касб этмаслиги тайин эди. Аввало мен бу ҳолатни зарурат деб тушунаман. Янгиланиш осон эмас, XX аср бошларида Маяковский каби йирик шоир ҳам зинапоя усулидаги шеърлари билан новаторлик кўрсатгани учун қаттиқ танқидга учраган, адабиётшуносларнинг қизғин баҳс-мунозараларига сабаб бўлган эди.

XX асрнинг 80-йилларига келиб адабиётимизда анъанавийликдан бироз четланиш, бошқача оҳанг, шакл ва ифода усуллари пайдо бўлди. Табиийки, буни анъанавийликка мослашган адабий жамоатчилик тезда ҳазм қилолмади. Бу жараён шеъриятга тааллуқли эди. Аммо "модерн" деган сўз ишлатилмасди, чунки у ўша шеърнинг ўзи каби истеъмолга кириб улгурмаган эди. Бироқ, ёш ижодкорлар бу шаклни тезда қабул қилиб, шижоат билан ёқлай бошладилар. Негадир асли Ғарб адабиёти таъсирида кириб келган бу шеърларнинг асл манбаига эмас, ўзбекча кўринишларига тақлид қилувчилар кўпайиб кетди. Матбуотда мутлақо фикрсиз, сўзларнинг айқаш-уйқаш шамойилларидан иборат тизмалар ҳам пайдо бўлди. Уларга қанча кўп эътироз билдирилса, шунақа шеърлар аксига олиб кўпаяверар эди. Бироқ, ўша шоирлар асли қалби буюрмаган шаклга рўжу қўяётганларини кейинроқ ўзлари ҳам англаб қолишди. Кўп ўтмай бояги модернчи шоирлар модернчи бўлмай қолдилар...

Насрда эса бу жараён кечикиб намоён бўлди. Омон Мухторнинг кейинги романлари, Хуршид Дўстмуҳаммаднинг "Жажман", Назар Эшонқулнинг бир неча ҳикоялари, хусусан, "Баҳоуддиннинг ити" ҳикояси бошқа унсурлар борлиги билан фарқ қилади. Ҳолбуки Франс Кафканинг асарида "одам ўргимчакка айлангани"га қарийб саксон йил бўлди. Бизнинг эртакларимизда малика қурбақага, тошга, кийикка айланиб қолса ҳайрон бўлмаймиз бироқ, жиддий прозада бунга дуч келсак, роса энсамиз қотади.

***— Бугун дунёда юз бераётган глобаллашув китобхон бадиий тафаккурида ҳам ўзгаришлар ясамоқда. Худди ана шу жараён сабабли ўзбек ҳикоянавислари Ғарб адабиётидан таъсирланиб, унга хос бўлган тасвир ва ифода усулларини турли кўринишлар билан адабиётга олиб кирдилар. Сизнингча, бу адабий таъсир адабиётимизнинг миллий хусусиятларига путур етказмайдими ёки...***

— Адабиётчилар "онг оқими", "онг ости оқими" ("подсознание"), онг таҳлили ҳақида кўп гапиришади. Мен бу гапларга унча тушунмайман. Аммо Маркес, Фолкнер, Кафка асарларини ўқиганда унча ҳайрон қолмайман. Ёзувчининг руҳиятига тушиб олсам ҳеч нарса ғайритабиий туюлмайди...

"Вещи называть своими именами" деган китобда Маркеснинг учта суҳбатини ўқиган эдим. Бир суҳбатида ёзувчи "Танҳоликнинг юз йили" романининг биринчи сатрини 19 ёшида ёзиб қўйгани, вақт-соати келиб роман миясида обдон пишиб етилгач, уни бор-йўғи икки кунда ўтириб ёзиб ташлаганини баён этган. Мен бу асар тез ёзилганига шубҳа қилмайман, лекин асар ҳажмидан келиб чиққанда ҳатто уни икки кунда ўқиб чиқиш ҳам осон иш эмас.

Боз устига романнинг шакли, руҳи, қоришиқ воқеалар, тирик ёки ўзи йўқ бўлса-да, муаллифнинг тафаккурига бўйсуниб ҳаракатланувчи ўнлаб образлар, кутилган ва кутилмаган фожиалар унинг икки кундан кўпроқ муддатда ёзилганини билдиради. Сирасини айтганда, мен Маркесдек ёзувчининг руҳиятига қойил қоламан. Унинг руҳи шу қадар кучлики, ёзувчини худди бульдозерда сургандек оппаосон ўз маромига солиб етаклаб кетаверади. Э, шошма, оғайни, ундоқ эмас, бундоқ-ку, дейишга ботинолмайсиз ҳам. Бошқа романлари ҳам худди шундай, ҳатто одамни нафас ростлашга қўймайди.

Маркес ўзини испан адабиёти вакили ҳисоблагани ҳолда бизнинг биринчи асаримиз Сервантеснинг "Дон Кихот" романидир деб ҳисоблайди. Бизнинг ҳам бой оғзаки адабиёт намуналаримиз мавжуд.

Қайсидир маънода кимнингдир ёзгани айнан Кафканинг, Маркес, Борхес ёки биз ўқимаган бировнинг асарига ўхшаши мумкин. Навоий манзумаларида ҳам тақлидчилик калака қилинган. Аммо бизда ҳозир бунинг хавотирланадиган жойи бормикан — гап шунда. Умуман, ўзбек адабиётида мен бу хавфни сезаётганим йўқ... Мен адабиётда, хусусан, насрда хилма-хиллик тарафдориман. Бир хиллик адабиётнинг жиловини орқага тортиб тураверади.

***— Бугун бирор даврада адабиёт ҳақида гап очилса, китобхонлар яхши асар йўқлигидан нолишади. Аммо кейинги пайтда таниқли адибу шоирларимизнинг қатор китоблари чоп этилмоқда. Бундай аҳволни китобхон савиясининг ўта баландлиги деб тушуниш мумкинми ёки...***

— Ҳеч бир халқнинг адабиёти тўхтаб қолиши мумкин эмас. Лекин гап ўша асарнинг савиясида. Чингиз Айтматов бир вақтлар "шундай бир ҳикоя ўқисангки, кечаси билан йиғлаб чиқсанг" деб ёзганди. Шундай ҳикоя соғинчи менда ҳам бор. Хусусий газеталарда кунаро ўнлаб ҳикоялар босилади. Турган-битгани ўлим, фожиа, айриллиқ, мусибат. Лекин бир мусибатни Чеховнинг "Ванька"сидай таъсирчан бадиий асарга айлантириш нақадар мушкул иш. Эҳтимол ёзувчиман деган одам 80-90 ёшгача ҳам шуни ёзолмай дунёдан ўтиб кетиши мумкин. Бироқ Чехов (врач, иши бошидан ошиб ётибди, феъли шунақаки, ҳаммага яхшилик қилгиси келади, барчани уйига меҳмонга таклиф қилади, мактаб, кутубхона, касалхона қуради, гоҳ-гоҳидагина ёзишга ўтиради) аксарият ҳолларда бир ўтиришда ёзган, қайта ишлаб ўтирмаган, бунга вақти ҳам бўлмаган. Демак, ижодкорда меҳнатдан ташқари Худо юқтирган юксак истеъдод ҳам керак.

Бир вақтлар матбуотнинг тури саноқли эди. Адабий нашрда асари ёки иккита шеъри чиққан одам танилиб кетиши мумкин эди. Таъсирчанроқ бир ҳикоя ёзсанг, номингга ўнлаб хатлар келарди. Ўзинг ёзган нарса ҳақида узоқ ўйлашга, демак, масъулиятли бўлишга мажбур эдинг. Ҳозир аҳвол умуман бошқача. Бунинг учун ўқувчини айблаб ўтириш шарт эмас. Аввал ҳам асл ўқувчи асарнинг сарасини топиб ўқирди, ҳозир ҳам шундай. Масалан, бозордан газета сотиб олиб ўқиётганлар эса ўша газетанинг бир ой давомида чиққан сонидаги ҳикоянинг номини ҳам эслаёлмайди. У вақт ўтказиш, бироз бўлса-да овуниш учунгина ўқийди. Лекин унга нега бундай қилаяпсан, деб бўлмайди. У эркин ва савияси ҳам ўша газетага жуда мос. Шундай "гигант" ёзувчилар борки, бир йилда беш-олти "роман" ёзиб ташлаяпти. Китоблари қўлма-қўл ўқилаяпти. Бироқ адабий жамоатчилик унинг номини ҳам эсламайди. Жиддий ёзувчи тўғирофи, сўз қадрини юқори биладиган, ёзган асарлари ҳақиқий адабиёт десак бўладиганлар эса ҳамон жиддий асарлар ёзиш билан машғул. Масалан, Эркин Аъзам, Хайриддин Султонов, Нормурод Норқобилов, Шойим Бўтаев, Назар Эшонқул, Абдуқаюм Йўлдош, Улуғбек Ҳамдам, Зулфия Қуролбой қизи, Лўқмон Бўрихон, Исажон Султон ва бошқа ёзувчилар ижод қилишаяпти. Уларнинг асарлари манаман деган чет эллик ёзувчиникидан кам эмас. Одамзотнинг қисмати, эртаси, келажаги нима бўлишини ўйлаб қайғураётган, қалби ўртаниб, азоб чекиб ёзаётган адиб билан бугун кичкинагина бир фожиавий ҳангомани ёзиб эртаси куни газетада чиқариб, чапак чалиб юрган қаламкашнинг фарқи бор-да, албатта.

***— Катта адабиёт кучли танқидчиликнинг шаклланишига таъсир ўтказадими ёки кучли танқидчилик катта адабиётнинг юзага келишига асос бўладими?***

— Адабиётнинг равнақида адабиётшунослик, айниқса, танқидчиликнинг ролини инкор этиб бўлмайди. Қизиғи шундаки, булар кўпинча баравар, деярли бир хил суръатда ҳаракат қилади. XIX аср рус адабиётида даҳо шоиру ёзувчилар қатори Добролюбов, Белинский, Герцен, Чернишевский каби адабий танқидчилар етишиб чиққан. XX асрда ҳам адабиётга қараб танқидчилик кучайган.

Ҳозирги кунда чиндан ҳам, баҳсталаб, мунозараталаб асарлар дунёга келмаётган бўлиши мумкин. Эҳтимол адабий танқид ҳам шунга яраша, танқидий чиқишлар эса бор-йўғи мақтов ёки эътирофлардан иборатдир. Назаримда адабиёт гуллаб-яшнасагина унинг атрофида адабий танқидчилар ўралаша бошлайдилар, адабиётшунослик ўзўзидан кучайиб, адабиёт ундан орқада қолиб кетиши мумкин эмас.

***— Адиб учун истеъдод муҳимми ёки меҳнат?***

— Мен истеъдод ва маҳорат, меҳнатни бўлакларга ажратолмайман. Сабаби, истеъдодли ёзувчидагина маҳорат бўлиши мумкин. Масалан, Лотин Америкасининг 70-йиллардаги адабиётини ўқисангиз, диктаторлик тизимининг нақадар аянчли фожиалари кўз ўнгингизга келади. Таъсирланасиз. Сабаби, уларнинг тузуми бизникига ўхшар эди... Мана, гап қаерда. Бугун мустақил мамлакатнинг фуқароси — сиз Карпьентер, Борхес, Кортасар, Фуэнтес, Маркеснинг катта-катта асарларини мароқ билан ўқиёлмайсиз. Чунки энди сиз бошқа тузумда яшаяпсиз. Ёзувчининг маҳоратига, истеъдодига тан берасиз, холос.

***— Унда қандай асар адабиётда мангу яшаб қолиши мумкин деб ҳисоблайсиз?***

— Бу борада ҳам бирон нарса дейишга одамнинг журъати етмайди. Аввалambор, ёзувчи ўз қудрати ва маҳоратини мукаммал намоён эта билиши лозим. Иккинчидан хўш, уни эртага кимлар ўқийди деб ўйлаймиз. Ҳар бир ижодкор мана шу икки ўт орасида қоврилади, хавотирда яшайди. Нима бўлганда ҳам ҳақиқий ёзувчида яратиш иштиёқи ҳеч қачон сўнмаслиги керак. Энг ёмони — чекиниш, тан бериш. Барибир ўтли сўз, ҳаяжон, ибратли фикр ва унинг юксак бадиий ифодасини топган асар кўпроқ яшашга ҳақли деб ўйлайман.

**Гулноз САТТОРОВА суҳбатлашди.**

# *"Энг яхши китоб"*

**ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ:**

*Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги муассислигидаги "Китоб дунёси" газетаси 2008 йилда нашр этилган мазмун-мундарижаси, матбаа ижроси юзасидан энг яхши китобларни аниқлаш, нашриётлар, муаллифларни рағбатлантириш ҳамда республикада нашрлик фаолиятини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси нашриётлари ўртасида қуйидаги номинациялар бўйича "Энг яхши китоб" кўрик-танловини ўтказилишини эълон қилади:*

**1. Ижтимоий-сиёсий мавзусига оид китоблар;**
**2. Ватан тарихи мавзусига оид китоблар;**
**3. Ўзбек мумтоз адабиётига доир китоблар;**
**4. Болалар ва ўсмирлар учун китоблар;**
**5. ART китоб. Санъат нашрлари, оригинал йўналишдаги бадиий безак ишларини акс эттирган фотоальбомлар, тасвирий санъат маҳсулотлари, миниатюра ва бошқа нашрлар ҳамда китоблар дизайни.**
**6. Бош мукофот. Танлов ўтказилаётган йилда миллий нашриётчиликда ноёб ҳодиса сифатида баҳоланган универсал мавзудаги фундаментал нашрлар учун.**

Кўрик-танловда нашриётлар исталган номинациялар бўйича нашриятлик маҳсулотлари билан қатнашадилар. Нашриётлар танловга ҳар бир номинация учун 3 тагача номдаги нашрни қўйишлари мумкин.

Нашрлар танловга бир нусхадан топширилади ва кейинчалик қайтарилмайди.

**Танловда нашрлар қуйидаги мезонлар асосида кўриб чиқилади:**

*— Нашрнинг маъно-мазмуни, унинг илмий-маърифий жиҳатдан тайёргарлиги даражаси;*

*— Нашрнинг таҳририй-нашриятлик даражаси;*

*— Безак материалларининг тайёрланиш даражаси;*

*— Янги тематик йўналишларнинг ишлангани;*

*— Дизайнининг оригинал ечими ва бадиий ечимларининг мазмунга, ўқувчилар доирасига ҳамда мақсадларига мувофиқлиги;*

*— Матбаа ижросининг сифати;*

*— Нашрнинг оммабоплиги ва профессионал жиҳатдан аҳамиятлилиги.*

Кўрик-танловга китоблар ва бошқа босма нашрлар 2009 йилнинг 1 июнигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари шу йилнинг 10 июнигача аниқланади. Ғолибларга I, II, III даражали дипломлар, Бош мукофот совриндорига танлов дипломи ҳамда қимматбаҳо эсдалик совғалари 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунида тантанали топширилади.

Танловда ғолиб бўлган китоблар ва бошқа нашрлик маҳсулотлари Ўзбекистон Республикаси номидан Халқаро китоб кўргазма-ярмаркаларида қатнашиш учун тавсия этилади.

**Танловга қўйиладиган нашрларни қуйидаги манзилга юбориш мумкин:**
**100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30-уй, "Китоб дунёси" газетаси таҳририяти.**
**Мурожаат учун телефонлар: (8.371)244-13-65, 244-95-20.**

**Ҳурматли юртдошлар!**

IPOTEKA BANK

ИПОТЕКА БАНК

акциядорлик тижорат ипотека банки
Сизларга янги, йиллик 28 фоиз устама
тўланадиган 3 ойгача бўлган муддатларга
қабул қилинадиган

**"САРМОЯ"**

омонат турини жорий этганини
маълум қилади.

*Омонатга жойлаштирилган маблағингизнинг ҳисобланган фоизларини ҳар ойда ёки омонат муддати тугаганидан сўнг олишингиз мумкин. Омонатнинг энг кам миқдори чегараланмаган.*

**Ипотека банк**нинг барча жамғарма кассалари Сизнинг хизматингизда.

**Ипотека банк** омонатларига қўйилган пул маблағлари декларация қилинмайди ҳамда омонатчи ва унинг пул маблағлари ҳақидаги маълумот банк сири ҳисобланади. Омонатдан олинган даромад солиққа тортилмайди.

**Ипотека банк** — Сизни ўз мижозлари қаторида кўришдан хурсанд.

**Ипотека банк**даги омонатларингиз фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш фонди томонидан кафолатланган.

**Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 150-89-56**
**(8-371) 150-89-57**
**(8-371) 150-89-58**

Тошкент шаҳар, Чилонзор туманидаги "Chokar Xarrat" МЧЖ тугатилади. Даъволар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой давомида Чилонзор, 9-мавзеси, Чўпон ота кўчаси, 28а-уйда қабул қилинади.

# МАДАНИЯТ

ТААССУРОТ

## Мирзо Анварнинг Раъноси

*Раъно — Абдулла Қодирий яратган ботиний ва зоҳирий қиёфаси ҳавас қилагулик образ. Эҳтимол, Кумушбибидек гўзал хилқатнинг бадиий жилосини акс эттирган ёзувчи Раъно сиймосини янада гўзалроқ, назокатлироқ тасвирлашга ўзида ички эҳтиёж сезгандир? Саволимизга жавоб бўлгулик далилларни романдан излаймиз: "...Раънонинг исми жисмига ёхуд ҳуснига жуда мувофиқ тушган эди. Мен рассом эмасман. Агар менда шу санъат бўлганда эди, сўз билан билжираб ўтирмас, шу ўринда сизга Раънонинг расмини кўрсатар-қўярдим, фақат менга Раъно гулининг сувигина кўпроқ керак бўлар эди."*

Гул азалдан гўзаллик ва муҳаббат рамзи бўлиб келган. Шу боис Қодирий қаҳрамонини ГУЛ тимсолига ҳамоҳанг тарзда тасвирлашга ҳаракат қилади. Яъни худди инсон вужудидаги қон томирлари мисоли асарнинг сюжетида фаоллик кўрсатади. Дарвоқе, раъно гули барглари майин, нозик танали, ўзидан латофатли ифор таратиб тургувчи ўсимлик эканини ҳисобга олсак, муаллифнинг унга иштиёқмандлиги яна бир карра ойдинлашгандек бўлади. Бу фикрнинг исботи мана бу тасвирда аёнлашади: *"Таъбиримиз қўпол тушмаса, бу гўзал қиз, оч раъно гулининг тусида, оқ-сариқ тусда яратилган эди... Раънонинг сочи гунгурт-қора, яъни қуёшсиз жойларда қора кўринса ҳам қуёшда бироз сарғиш бўлиб кўринар эди".*

Тасвирдаги маҳлиқонинг ҳар жиҳатдан мукаммал қиёфасига синчиклаб назар солиб, ГУЛ сингари нафислик унинг истиқболидаги ўзгаришларга дебоча дейиш мумкин. Зотан, Кумушбиби Марғилонда туриб Отабекнинг Тошкентдан қайтишини нечоғли ҳаяжон, интиқлик билан кутгани эсга олинса, Раънонинг ҳам гулгул очилишининг сабаби бор. Хон саройидаги кундалик юмушларини бажариб қайтгувчи Мирзо Анварнинг уйга қайтиши қизни баҳор нафасидек яшнатиб юборади. Лекин Раъно ботинида кечаётган замзамани бировга сездирадиганлардан эмас. Асардан олинган иқтибосда айни вазият мана шундай тасвирланади: *"Юзи чўзиқ ҳам эмас, ойкулча ҳам деб бўлмас, кишига кулиб қараганда, қизил олма шакли ҳосил бўлар, гўё бизга чин раъно гули очилган ҳолатда кўринар эди".*

Дарҳақиқат, Раънонинг ички руҳияти Кумушбиби сингари ички мураккаблик, тўқнашувлардан холи. Унинг соф муҳаббатига Зайнаб мисоли соя ташлаб турадиган персонажнинг йўқлиги бош қаҳрамон тасвирини янада бетакрор кўринишга олиб чиқади. Унинг ГУЛ сифати янада қуюқлашади. Буни Мирзо Анварнинг ўзи ҳам очиқчасига тан олади: *"Бу гапни қўй, Раъно, ишонмасанг ойнага қара, сенинг лабинг билан шу қизил гул ранги орасида фарқ борми, мана қара?.."*

Раънога етишиш бахтини интиқиб кутаётган Мирзо Анвар учун келажак қанчалик порлоқ бўлмасин, сармуншийлик ёрлиғини оғриниш, ички хоҳишнинг йўқлиги билан қарши олади. Чунки, бу лавозим учун кўз тикиб турган қора кучлар қачонлардир бош кўтаришини, Солиҳ мажнумни мамнун қилган хабар бир кун келиб, қайғули муждага айланишини у ботинан яхши биларди. Аммо зулмат рангига монанд булутлар боши узра сузиб юрган эсада, ички хижилликни енгиб ўзини "Раъно гулини искаш башоратига қойил бўлгандек" ҳис этади.

Қодирийнинг ГУЛ ифорига ошиқлиги, бу ифоданинг Раънога монандлиги романнинг кейинги саҳифаларида ҳам жило топади: "Анвар супада, ўрда юмушларидан баъзини таҳлил қилиш билан машғул... Майин бир шамол супа атрофидаги гулларни эринибгина қитирлатар ва қитирлатишдан райҳонларнинг ўткир иси ўқтин-ўқтин димоққа келиб урилар эди..." Ўрда юмушлари билан машғул мирзо бу ҳидга маҳлиё эди. Адиб айни шу лавҳада қаҳрамонларининг кўнгил кечинмаларини бор бўйи-басти, ҳаётбахшлиги билан намоён эта олган:

"Раънонинг ҳам кўзи унга тўқнашиб, бироз бир-бирларига кулимсираган ҳолда тикилишдилар...

— Нега тўхтатдингиз, ёза беринг!"

Мирзо Анварнинг қалам тутган қўллари ўрдада тайёрланадиган хон ёрлиқлари, вақф харажатлари, турли олиқ-солиқларга оид хат-ҳужжатлар битигини эмас, денгиз соҳилида гувранаётган асов тўлқинлар мисоли саркаш, айни чоғда тонг шамолидек сархин ҳисларни қоғозга тушира бошлади:

**"Агар Фарҳодни Ширин,**
**бўлса Мажнунларнинг Лайлоси,**
**Насиб ўлмиш менга гулшан**
**аро гулларнинг "Раъно"си".**

Фавқулодда шаффоф бу сатрларнинг мантиқий давоми Раъно томонидан давомланади:

**"Агар ор этса Лайли ҳақлидир Қайснинг Жунунидан,**
**Не бахт, Раъно, харидоринг талаб аҳлининг Мирзоси".**

Романда бундан кейин Раъно ва Анвар тавсифига оид гўзал лавҳалар учрамайди. Абдураҳмон домланинг кирдикорлари, Султоналининг ҳибсга олингани ҳақидаги воқеалар ўқувчида ўкинч уйғотади. Икки ёшнинг пок севгиси зулматли кунлар қаърига чўмаётган бир паллада Раънонинг заковати туфайли хавф бартараф этилади. Эътироф этиш керакки, асар сўнггига қадар Раъно образига хос беғубор ўйноқилик ўқувчи хаёлини бир баҳя бўлса-да, тарк этмайди.

**Хидирали ПАНЖИЕВ**

СПОРТ

### НАЗОРАТ УЧРАШУВИ ЎТКАЗИЛАДИ

Маълумки, 2010 йилда Жанубий Африка Республикасида бўлиб ўтадиган футбол бўйича Жаҳон чемпионатига саралаш ўйинлари доирасида жорий йилнинг 6 июнь куни Ўзбекистон миллий терма жамоаси Япония термасига қарши майдонга тушади. Ушбу муҳим ўйинга жиддий ҳозирлик кўриш мақсадида юртдошларимиз 1 июнь куни Тошкентда Босния-Герцаговина терма жамоаси билан ўртоқлик учрашувини ўтказади. Бу ҳақда www.the-uff.com сайти хабар тарқатди.

### ЖАНГ ДАЪВОГАРНИ АНИҚЛАЙДИ

Украиналик чарм қўлқоп устаси Александр Дмитренко ва америкалик Эдди Чэмберс ўртасидаги жанг жорий йилнинг 4 июлида Германиянинг Гамбург шаҳрида бўлиб ўтади. Ушбу учрашувнинг аҳамиятли томони шундаки, ўта оғир вазнда WBO йўналиши чемпионлигига асосий даъвогарни аниқлаб беради. Ҳозирда бу унвон Владимир Кличкога тегишли.

Александр Дмитренко рейтингда WBO йўналишида биринчи, WBCда иккинчи ва IBF ҳамда WBA йўналишларида тўртинчи ўринни эгаллаб турибди. Шунинг учун у ёзда Кличколарнинг кичкинасига қарши рингга чиқиш ҳуқуқига эга бўлишни кўзлаяпти.

### «МАНЧЕСТЕР ЮНАЙТЕД» — АНГЛИЯ ЧЕМПИОНИ

16 май куни Англия чемпионатининг 37 тур учрашувларига старт берилди. Мазкур турнинг марказий учрашуви "Олд Траффорд" стадионида "Манчестер Юнайтед" ва Лондоннинг "Арсенал" футбол клублари ўртасида бўлиб ўтди. Муросасиз курашларга бой бўлган учрашувда 0:0 ҳисоби қайд этилди. Бу натижа Сер Алекс Фергюсон шогирдларини тўла-тўкис қаноатлантирди. Яъни "Манчестер Юнайтед" клуби чемпионат тугашига 1 тур қолганида 87 очко тўплаб муддатидан аввал чемпионликни қўлга киритди.

Ҳозирча жорий мавсумда учта совринга эга бўлган "Манчестер Юнайтед" жамоаси тўртинчи совринни ҳам қўлга киритиши мумкин. Бунинг учун улар Европа чемпионлар лигаси финалида Испаниянинг "Барселона" клубини мағлуб этиши керак.

### ЖАРИМА ТЎЛАШГА РОЗИ

Дубай теннис турнири ташкилотчилари исроиллик ракетка устаси Шахар Пеерга виза бермагани боис 300 минг АҚШ доллари миқдорида жарима тўлашга рози эканини маълум қилди.

— Ўтган ҳафта WTA раҳбарига ёзма равишда жарима тўламаслигимизни маълум қилгандик, — дейди турнир директори Салоҳ Тахлак. — Энди эса қароримизни ўзгартирдик.

Можаро жорий йилнинг февралида бошланганди. Ўшанда Дубайда аёллар ўртасидаги теннис турнирининг бошланишига бир неча кун қолганида мусобақа ташкилотчилари Шахар Пеерга виза бермасликка қарор қилишганди.

### ЯНГИ РЕКОРД

Ямайкалик таниқли спринтер Усейн Болт Англиянинг Манчестер шаҳрида қисқа масофага югуриш бўйича янги рекорд ўрнатди. 150 метрга югуришда унга тенг келадигани топилмади. У маррага 14,35 секундда келган бўлса, 15,07 секунд кўрсаткич билан британиялик спортчи иккинчи ўринни банд этди.

**Азим РЎЗИЕВ тайёрлади.**

ТУЙҒУ

## Тонгни ким қандай қаршилайди?

*Мен тонгни севаман. Аллоҳ берган шу ёшга етгунимча беҳисоб тонгларни қаршиладим. Оппоқ тонгнинг ёришишини кўрганимда беихтиёр кўнглим ёришиб кетади, юзимга табассум югуради.*

*Тонг ва табассум. Иккисида бир-бирига яқинлик, ўхшашлик борга ўхшайди: тонг — туннинг ғалабаси. Табассум — хафалик устидан ғалаба. Тонгни ҳам, табассумни ҳам бирдек севаман.*

*Тонг ва табассум ўртасида боғлиқлик бормикин деб қизиқдим. Бу хусусда айрим инсонларнинг фикрлари билан танишайлик.*

**Ёдгор САЪДИЕВ, Ўзбекистон халқ артисти:**

— Раҳматли аям мени доим тонгда уйғотардилар: — Тур болам, эрта турсанг, ризқинг баланд бўлади, — дердилар.

Армия хизматидан янги қайтган кунларим эди. Аям мени одатдагидек тонгда уйғотдилар. Тургим келмади. Қайта-қайта уйғотдилар. Шунда мен ҳазиллашиб: — "Аяжон, "Рота, подъём!" денг, дарров туриб кетаман", дедим. Аям табассум билан: — Тур Ёдгоржон болам. "Рота подъём" дедилар. Мен сакраб туриб кетдим. Кулишдик.

Шу-шу тонгда туришни одат қилганман. "Шайтанат"даги Асадбек ролини ҳам тонгда ёдлаганман. Тонг менга доим аямнинг табассумини эслатади.

**Сирожиддин ЗАЙНОБИДДИНОВ, академик:**

— Тонг мен учун дўсту ёр, қариндошуруғлар кўнглини овлаш билан бошланади. Туғилган кун, тўй-тантана, муҳим саналар, байрамлар ён дафтаримга қайд қилинган бўлади. Ҳар тонг ён дафтарга қараб яқинларимга қўнғироқ қиламан. Уларни яхши кунлари билан табриклаб, ҳол-аҳвол сўрайман. Гўшакнинг қарши томонидан миннатдорчилик, хушнудлик сўзлари эшитилади. Бундан ўзимнинг ҳам кўнглим кўтарилади.

Тонг бу — эзгуликка йўл.

**Нигина НИЁЗ, фантаст ёзувчи:**

— Мен тонгда турибоқ кўкка қарайман. Ҳали эҳҳо юлдузи сўнмаган бўлади. Ўша юлдузга қараб "Сўнгги кун" асаримни ёзганман. Тонг мен учун сир-синоат. Тонг мен учун илҳом манбаи.

**Умида МИРХАМИДОВА, хонанда:**

— Тонг оппоқ бўлиб отади. Оқ атиргуллар ҳам тонгда оппоқ бўлиб очилади. Инсон ҳаётида хуш ва нохуш кунлар бўлади. Нохуш кунларим эрта тонгда туриб "Оқ атиргуллар" қўшиғимни хиргойи қилишни ёқтираман. Шунда кўнглим ёзилиб, тонгдай беғубор, оқ атиргуллардек ифорли бўлади.

**Маҳмуд ЭШОНҚУЛОВ, карикатурачи рассом:**

— Тонг отаверар экан, мен ундан нозик, ёркин бўёқлар излайман. Мен карикатурачи рассом бўлсам ҳам қаҳрамонларим юзига тонгги ёркинликни кўчиргим келади. Тонг — бу одамлар юзидаги табассум.

**Алишер ТЕШАБОЕВ, физик олим, профессор:**

— Академик ёзувчимиз Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбекнинг асакалик қаҳрамони, етти ёшидан омоч ҳайдаган, охир-оқибат деҳқонлар сардори бўлиб сайланган, менинг отам — Тешавой Матёқубов: — Тонгда тур. Ишларингни тонгда бажар, дангаса бўлма, — дер эди икки гапнинг бирида. Мен умрбод отамнинг шу ўгитига амал қилдим. Кам бўлмадим. Мана, ёшим саксондан ошдики, тонгда туришни канда қилмайман. Тонг менга қувват бағишлайди.

**Муяссар МАҲМУДОВА, тадбиркор:**

— Тадбиркорлик аслида тиниб-тинчимаслик дегани. Мана шу тиниб-тинчимасликни тонгдан бошлаган ютади. Мен фарзандларимга ҳам тонгда бажарилган иш баракали бўлади, дейман.

Беадад шукрки, бир қаламкаш сифатида юрт кездим, дунё кўрдим. Миср, Болгария, Руминия, Молдова, Украина, Россия, Озарбойжон, Грузия, Арманистон сингари кўпгина хориж мамлакатларида, Қора денгиз, Қизил денгиз, Каспий денгиз, Ўртаер денгизи ва Марварид денгизлари бўйларида, Нил, Енисей дарёлари соҳилларида тонгларни қаршилаганман. Аммо ҳеч қайси тонгни беғубор, юртимизнинг мусаффо тонгига ўхшатолмадим.

Ҳа, ҳар тонгни тинч, осуда, Ватан бағрида кутиб олишга нима етсин!

**Тўлан ТАБАССУМ**

РАССОМ ХАНДАСИ

Шавкат МУЗАФФАР чизган сурат.

ҚИЗИҚ

### Энг улкан телескоп

Энг улкан қуёш телескоп Аризона штатидаги АҚШ миллий обсерваториясида жойлашган. Унинг узунлиги 147 метр бўлиб, ушбу кузатув мосламасининг очилиш маросими 1962 йилда бўлиб ўтган.

### Хотираси кучли инсон

Хитойлик Ғунн Ян Лин ўн беш минг телефон рақамини ёддан бехато айтиб бериб, ўзининг нечоғли хотираси кучли эканини кўпчилик олдида исботлади.

**Гўзал МУРОДОВА тайёрлади.**

КУЛГУ

### "Қайси сўз тўғри ёзилади?"

— Нега сиз доимо ҳайвонлар ҳақида ҳикоя, масаллар ёзасиз?

— Чунки, улар ўқишни билишмайди. Хафа бўлиб олдимга келишмайди ҳам.

* * *

*Алланималарни ёзаётган хотин оғир касал ётган эридан сўради:*

*— Дадаси, қайси сўз тўғри ёзилади: "ўлди"ми ёки "вафот этди"ми?*

* * *

*Томошабин театрдан чиқар экан деди:*

*— Яхшиямки тақризни ўқиганим, бўлмаса бу пьеса менга ёқиб қоларди.*

* * *

Абстракционист рассомнинг хотини ўз дугонасига дебди:

— Биз эр-хотин бир-биримизга жуда мос тушганмиз. У расм чизади, мен овқат пиширяпман. Кейин ким нима қилганини аниқлаш хусусида бош қотирамиз.

* * *

*Истеъдодли актёр Владимир Хенкин ҳазил-мутойибани яхши кўрарди. Бир куни Москва сатира театрида репетиция кетаётган пайтда унинг тоби қочиб қолди. "Тез ёрдам" чақиришга тўғри келди.*

*— Нимадан шикоят қиласиз? — деб сўради шифокор артистдан.*

*— Биринчи навбатда дирекциядан, — деб жавоб берди қизиқчи оғриқни енгиб, — кейин репертуарнинг қашшоқлигидан.*

**Анвар ИНОҚОВ тўплади.**

HURRIYAT
Mustaqil gazeta

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. ISSN 2010-7528

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир: Абдурасул ЖУМАКУЛ

Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Тўлан НИЗОМ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳосил КАРИМОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Шерзод ҒУЛОМОВ

*Таҳририятга юборилган хат ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилади.*

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-505-19-11
Бухоро — 8-365-592-85-02
Самарқанд — 8-366-233-62-12
Сирдарё — 8-372-366-99-21
Навоий — 8-436-374-63-11
Сурхондарё — 8-376-370-12-01
Қашқадарё — 8-375-221-78-50
Тошкент — 8-370-383-97-53
Фарғона — 8-373-225-80-58
Хоразм — 8-362-226-73-68

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Азим РЎЗИЕВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 22.50

® — тижорат белгиси.

Адади: 14003 Буюртма — Г-454 2 3 4 5 6 7 8